

653.41
P 485

ЎЗБЕКИСТОН
СИЁСИЙ ВА ИЛМИЙ
БИЛИМЛАР ТАРҚАТУЧИ
ЖАМИАТИ

Г. К. РЖЕВСКИЙ

ПАХТАЧИЛИКДА
ЯНГИ УСУЛ

№5

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока»
ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти
Тошкент — 1956


861230/2

Г. К. РЖЕВСКИЙ

633.41
P 485

ПАХТАЧИЛИКДА
ЯНГИ УСУЛ

(Вўзани узунасига ва кўндалангига
ишлашни қўлланиш тажрибасидан)



10

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент — 1956

К

Пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Пахта — қадим замонлардан бери экилиб келинади, ган қишлоқ хўжалик экинидир. Пахта толасидан тайёрланган буюмлар бундан беш минг йил илгари ҳам одамларга маълум эди. Пахта экини ҳозирги Ўзбекистон территориясига Ҳиндистон ва Африкадан Эрон орқали кириб келган. Археологик текширишлардан аниқланишича, бундан икки минг йил илгари Фарғона водисига деҳқонлар пахтачилик блан шуғулланганлар. Лекин пахта толасидан жуда кам ва чегараланган даражада фойдаланилар эди, чунки толани чигитдан қўл блан ажратиб олиш меҳнатни ҳаддан ташқари кўп талаб қиладиган иш ҳисобланар эди.

1760 йилда, я'ни Англияда механика усулила ип йиғириш бошланишидан 11 йил илгари ватандошимиз Радион Блинков томонидан „ўзи йигирадиган машина“ нинг ва шунингдек, 1796 йилда Америкада тола ажратадиган машина (джинь) нинг ихтиро' этилиши пахтачиликни ривожлантиришга ёрдам берди.

Ана шу вақтдан бошлаб, техниканинг жорий этилиши туфайли, пахта толасига бўлган талаб узлуксиз равишда ортиб бормоқда ва пахта экиладиган майдонлар борган сари кенгаймоқда. Бунинг натижаси ўлароқ жаҳон миқ'ёсида ишлабчиқариладиган ип газламаларнинг салмоғи XVIII аср охиридаги 4,5 процентдан бизнинг асримизнинг биринчи чорагида 67 процентга қадар кўпайди.

Ер юзида 30 миллион гектарга яқин майдонга пахта экилади. СССР, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Бразилия, Хитой, Миср асосий пахта етиштирадиган мамлакатлар ҳисобланади.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги йилларда бизда пахтачилик ғоят тез сур'атлар билан ривожлана-бошлади. Октябрь революциясига қадар пахта экиладиган зоналар жуда кам эди. Фақат Ўрта Осиё ва Закавказьенинг кичик майдонларидагина пахта етиштирилар эди. Мамлакатнинг ўзида етиштириладиган пахта етишмас, чор ҳукумати пахтани Америка Қўшма Штатларидан олар ва бунинг эвазига унга ҳар йили олтин ҳисобида 100 миллион сўм тўлар эди.

Совет ҳукумати четёлларга қарам бўлиб қолиш ҳолларига барҳам бериш чорасини кўрабошлади; пахта майдонларини кенгайтириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш юзасидан қилинган катта ишлар натижасида социалистик давлатимиз биринчи бешйиллик охиридаёқ ўзининг пахтага нисбатан анча ўсиб қолган талабини ўзимизда етиштирилган оқолтин билан бутунлай қондирди.


* * *

Пахтанинг халқ ҳўжалик аҳамияти ғоят каттадир. Пахтадан олинадиган маҳсулотлар аҳоли ва саноат учун дон, металл ва ёқилғи сингари зарурдир.

Бир килограмм пахта толасидан 3 метр устки кийим газламаси ёки 8 метр полотно, ёки 12 метр чит, ёки 20 метр батист ишлабчиқарилади. Пахта чигитида 20 процентга қадар мой бўлади. Бир тонна пахтадан ўрта ҳисобда 3000 метр газлама, 100—110 килограмм ёғ, 200—250 килограмм кунжара олиш мумкин. Бинобарин, бир колхозда етиштириладиган пахтадан қанча маҳсулот ишлабчиқариш мумкин эканлигини ҳисоблаб чиқиш қийин иш эмас. Масалан, 1000 гектар пахта майдони бўлиб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил оладиган колхоз (бундай колхозлар оз эмас) пахтасидан тайёрланган энли мата „Шимолий қутб“ станциясидан то Антарктидадаги „Мирний“ посёлкасига қадар чўзилиб боради ёки шу миқдордаги пахтадан тайёрланган лента билан ер ва ойна бир-бирига боғлаб қўйиш мумкин (расм 1).

Агар шу колхозда етиштирилган пахта чигитидан олинган ёғни ярим литрли бутилкаларга қўйиб, йўл ёқасига бирқатор қилиб қўйиб чиқилса, бу бутилкалар бирнеча ўн километр масофага чўзилиб кетиши мумкин.

Пахтадан олинадиган маҳсулотлар фақат юқоридагилардан иборат эмас. Бу қимматли хомаш'ёнинг қайта ишланган маҳсулотларидан 75 хилга яқин ҳартурли нарсалар ишлаб чиқарилади. Бунга тўла ишониш учун атрофимизга бир назар ташласак, бизни қўраб олган ва биз фойдаланаётган буюмлар пахтанинг қайта ишланган маҳсулотидан тайёрланганини аниқ кўраемиз.



Расм 1. Урта даражадаги колхознинг етиштирган пахтасидан ердан то ойга қадар чўзса етадиган лента тайёрлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг прогрессив ривожланиб бориши муносабати билан саноатнинг кўпчилик тўрмоқларида пахтанинг қайта ишланган маҳсулотларидан кенг кўламда фойдаланиш талаб этилмоқда. Бусиз саноатни тез сур'атлар билан ривожлантириш мумкин эмас.

Пахтанинг йиғирилган ипидан 30 хилдан кўпроқ кўйлакли газлама, 12 хил кийимли газлама, 13 хил мебель — зийнатли газлама, 14 хил технический газламалар, кўп миқдорда доналаб сотиладиган тўқима буюмлари (рўмоллар, сочиқлар, иплар, дастурхонлар ва ҳоказолар), трикотажлар ҳамда бошқа муҳим нарсалар ишлаб чиқарилади. Шунингдек пахта толасидан автомобиль покришқалари учун корд, изоляция материаллари, тасмалар, транспортерлар, кирзалар, шланглар ва шу каби буюмлар тайёрланади. Пахта тукидан сун'ий чарм, ойна, целлофан (сув ўтказмайдиغان юпқа шалди-роқ шаффоф қоғоз), лок, фотография материаллари, кино лента, қоғоз, сун'ий шойи, эбонит ва бошқа нарсалар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Чигит фақат экиш материалигина бўлиб қолмасдан, балки мой ишлаб чиқариш саноатининг энг қимматли хомаш'ёси ҳамдир. Заводда технологик процессларнинг

уюштирилишига қараб, чигитдан 17—18 процентга қадар ёғ сиқиб чиқарилади. Пахта ёғидан овқатга солинадиган ва маска маргарин, глицерин, стеарин ва махсус мойлар тайёрланади.

Чигитдан ёғ олингандан кейин ҳосил бўладиган кунжара (шрот) молларга яхши озуқа, ерга солиш учун ўғит бўлиб хизмат қилади ва шунингдек қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда имлама ем тайёрлаш учун ишлатилади.

Ёғ ишлабчиқарадиган саноатнинг чиқиндиларидан кир совун, ва атр совун тайёрланади. Чигит шелухаси гидролиз заводларининг хомаш'ёси ҳисобланади ва шунингдек ундан тери ошлаш учун ишлатиладиган модда, қоғоз, картон ва ҳоказо нарсалар тайёрланади.

Ўзапоя ва ўза пўчоқлари механический ва ким'ёвий усулда қайта ишлангандан кейин улардан ҳархил арқон, спирт, карбонит кислотаси, сирка кислотаси ва шу каби нарсалар тайёрлаш учун фойдаланилади.

* * *

Қишлоқ хўжалиги узлуксиз равишда сўнгги техника блан та'минланиб келаётгани туфайли унинг барча соҳалари кучли даражада ривожланди ва ривожланиб бормоқда, шу жумладан мамлакатда пахта етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу муваффақиятлар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик экономика асосининг асоси бўлган оғир саноатни биринчи навбатда ва тез ривожлантиришга қаратилган доно сиёсати туфайли қўлга киритилганлиги ўз-ўзидан равшандир,

Совет мамлакати халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида эришилган ютуқлар ва хусусан оғир саноатнинг тараққий этиши натижасида аҳолини кенг исте'мол товарлари блан та'минлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун қишлоқ хўжалигини кучли равишда ривожлантириш имконияти яратилди. Пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, ҳосилдорлик ошмоқда. 1950 йилдан то 1955 йилгача бўлган муддат ичида Ўзбекистонда пахтанинг ялли ҳосили 277 минг тонна кўпайди.

Партиямиз XX с'езди қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. Мамлака-

тимиз олдинга қўйилган вазифаларни бажаришда пахтачиликнинг аҳамияти гоят каттадир, чунки пахтачилик турли-туман саноат корхоналарини хомаш'ё блан та'минлайдиган соҳадир.

Пахтачилик — Совет Иттифоқининг жанубида қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси ҳисобланади. Бу ерда аҳолининг кўпчилик қисми пахта етиштириш иши блан шуғулланади. СССРда пахтачиликни ривожлантиришда Ўзбекистон етакчи ўринни ишғол қилади. Бу ерда экин майдонларининг кўп қисми пахта учун ажратилган. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ва пахта маҳсулотларидан фойдаланадиган бошқа саноат тarmoқларининг асосий хомаш'ё базаси ҳисобланади.

Олтинчи бешйиллик план бўйича 1960 йилда пахта етиштиришни 1955 йилга нисбатан тахминан 1,5 марта кўпайтириш белгиланган. Шу муносабат блан Ўзбекистоннинг айрим областьларида пахта етиштиришнинг ўсишини 2-нчи расмдаги картада кўрсатилган.



Расм 2. Ўзбекистон ССР колхозларида пахта етиштириш (1928 йилга нисбатан процент блан).

1. Фарғона водиси. 2. Чирчиқ дар'ёси ҳавзаси ва Мирзачўл массиви. 3. Зарафшон воҳаси ва Амудар'ё этаги. 4. Хисор водиси. 5. Қашқадар'ё ҳавзаси. 1928 й. 1950 й. 1960 й. (план).

Сўнгги йилларда чопиқ қилинадиган экинлар агро-техникасида катта ўзгаришлар бўлди. Янги прогрессив агротехника усуллари ичида ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш ҳамда бу экинларни узунасига ва кўндалангига ишлаш асосий усул бўлиб қолмоқда.

Пахтачилик масалалари юзасидан 1954 йил ноябрь ойида Тошкентда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрущев иштирокида бўлиб ўтган кенгаш пахтачилик агротехникасида прогрессив усуллари дадиллик блан қўлланиш зарур эканини кўрсатиб берди. Шу тариқа пахтачилик соҳасида янги давр бошланди, я'ни чигитни оддий қатор қилиб экиш усулидан квадрат-уялаб экиш усулига кўчилдики, бу усул қўл меҳнатини қисқартириб, пахта ҳосилини оширишда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

1955 йил декабрь ойида Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишига Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган тарихий сафарларидан кейин қайтиб келаётган Н. С. Хрущев ва Н. А. Булганин ўртоқлар ҳам қатнашдилар. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ қилиш юзасидан бажарилган иш якуналарини муҳокама қилиб, республикадаги барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига хат блан мурожаат қилдилар. Бу хатда амалий натижа берадиган ишларнинг жанговар программаси баён этилган. Хатда пахта экиладиган ҳамма майдонларда агротехниканинг илғор усулларини кенг жорий қилиб, 1956 йилда давлатга камида 3 миллион тонна пахта топшириш ва бунинг учун республика бўйича ҳар гектар ердан 23 центнердан, шу жумладан Тошкент областида—24 центнердан, Фарғона областида—24 центнер, Наманган областида—25,4 центнер, Андижон областида—26,5 центнер, Самарқанд областида—20,8 центнер, Бухоро областида—20 центнер, Қашқадар'ё областида—17,5 центнер, Сурхондар'ё областида—24,8 центнер, Хоразм областида—22 центнер ва Қорақалпоғистон АССРда—18,4 центнер ҳосил етиштириш мажбурияти олинди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчи—олинган мажбуриятнинг ҳарбир

область, район, колхоз, МТС, совхоз, бригада ва звено томонидан сўзсиз бажарилишини та'минлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилишдан иборатдир. Бунинг учун барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш, пахта етиштиришининг янги усулларини дадиллик блан жорий қилиш, механизмлардан имкон борича кўпроқ фойдаланиш асосида тупроқни ишлаш, чигит экиш, ўсимликларни жойлаштириш, суғориш, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва бошқа тадбирларни намунали суратда амалга ошириш керак. Пахтачиликда жорий этиладиган прогрессив усуллар ичида чигитни квадрат-уялаб экиш усули етакчи ўринни эгаллайди, чунки бу усул туфайли экинларни юқори даражада парвариш қилиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам янги усул эски, я'ни оддий қатор қилиб экиш усулини тез сиқиб чиқармоқда. Мазкур брошюрада янги муҳим агротехника усулининг аҳамияти ҳақида гапириб ўтилади.

Экинларни парвариш қилиш усулларини такомиллаштириш

Ўза—меҳнатни жуда кўп талаб қиладиган экиндир. Пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун бутун йил бўйи ишлаш керак бўлади.

Октябрь революциясидан илгариги йилларда Ўрта Осиёда пахта етиштириш иши асосан қўл кучи блан бажарилар эди. Ўзанинг ўсиш даврида машиналар у ёқда турсин, ҳатто отга қўшиладиган энг оддий қуроллар ҳам ишлатилмас ва пахтакор деҳқон экинларни кетмон блан бирнеча марта чопиқ қиларди.

Қўл меҳнатини қисқартиришга доир дастлабки уринишлар ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бўлди. Бу вақтда америка сортли пахта экилабошлаган ва илғор хўжаликлар пахтани жўяк олиб ёки сочма усулда экишдан қатор қилиб экиш усулига ўтган эдилар. Шундан сўнг экинларнинг ишловини тезлаштириш ва қўл меҳнатини бирмунча енгиллаштириш имконияти яратилабошлади, ёки ҳаддан ташқари оғир ишларни уй ҳайвонларига юкланадиган бўлди. Тошкент плантаторларининг бундан 70—80 йил илгари экин қатор ораларидаги тупроқни юмшатиш учун омов ўйлаб чиқарганликлари тўғрисидаги материаллар шу кунларга қадар сақланиб келади.


Кейинчалик эса қатор экилган экинларни механизмлар воситаси блан яганалашга уриниб кўрилди.

1910—1912й илларда уруғчилик станцияларида ва айрим хўжаликларда қатор қилиб экилган ғўзаларни ба'зан кўндалангига культивация қилиш йўли блан уялаб кетиш усули қўлланабошлади. Бунинг учун от культиваторини полосани 35—36 сантиметр ҳажмда кесиб кетадиган ва уяни 9—13 сантиметр узунликда қолдирадиган қилиб мосланган эдики, бу—ғўза қатор ораларини ишлаш тарихида биринчи янгилик ҳисобланарди. (Расм 3). Кейинчалик бундай экинларни узунасига ва кўндалангига тез-тез ишланиб турилар эди.

1924 йилда Наманган область, Наманган районидаги „Қизил шахматчи“ колхозининг ҳосилоти Маллабой Боқибоев маркерланган 4 гектар даланнинг чизиқлар бир-бирини кесиб ўтган жойига қўлда чигит эккан эди. „Шахмат усули“ деган ном олган бу усулни пахтакорлар урушдан илгариги йилларда жуда оз ерда қўлланадиган эдилар. Бунинг моҳияти шундан иборат эдики, қатор қилиб экилган ғўзаларни механизация блан кўндалангига қирқиларди. Бу усул илмий-текшириш муассасаларида М. Муҳаммаджонов, А. Авдеев ва бошқа илмий ходимлар томонидан пухта ўрганилди ва мукамаллаштирилди.

Экинларни парвариш қилишда „шахмат усули“ прогрессив аҳамиятга эга эканлигига қарамасдан, урушдан илгариги йилларда ғўзаларни икки томонлама ишлаш тажрибаси кенг ёйилмай қолиб кетди, чунки етмиш сантиметрли кенг қатор ораларида ғўза етиштириш асосий усул ҳисобланар ва ёппасига жорий қилинар эди. Кенг қатор ораларида ғўза етиштирилган вақтда бир гектар ерда атиги 20,3 мингта уя бўлганлиги сабабли бир гектар ердаги ўсимликларнинг қалинлиги атиги 40—60 минг тупни ташкил этардики, бу ҳолат ўз навбатида юқори ҳосил олишни та'минламас эди. Шунингдек, ғўзаларни парвариш қилишнинг янги прогрессив усулини кенг қўлланишга тўсқинлик қилган сабаблардан яна бири шуки, ўша вақтларда МТСлар чопиқ тракторлари ва культиваторлар блан етарли даражада та'минланмаган эдилар.

Бундан бирнеча йил илгари Москва областида, Украинада ва Шимолий Кавказда чопиқ қилинадиган экинлар экиладиган далаларда квадрат-уялаб экадиган



Расм. 3. Ғўза экинини от культиватори билан кўндалангига ишлаш(1910—1912 йиллар).

махсус сеялкалар ва кўчат ўтқазадиган сажалкалар татбиқ этилабошлади. Буларни қўлланилганда экилган ва узунасига ҳамда кўндалангига ишланган экинлардан колхозлар жуда оз меҳнат сарфлаганлари ҳолда юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар. Мана шу ташаббусдан ўрнак олиб, Ўзбекистондаги айрим илмий-текшириш муассасалари ғўзаларни икки томонлама ишлаш усулини яна қайтадан қўллана бошладилар, аммо бу

сафар торайтирилган қатор ораларида ғўза ўстириш усулини ўрганишга киришилди!

1953 йилда машиналарни синовдан ўтказиш Ўрта Осиё станциясида 80 гектар майдонга, шунингдек сун'ий ёмғир ёғдириш Ўзбекистон станциясида ва бошқа ташкилотларда бирнеча гектар ерга чигитни торқаторлаб экилди. Бу тажриба ижобий натижалар берди ва квадрат-уялаб чигит экиш усулини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига дадиллик блан жорий этишга асос солган муҳим фактор бўлди.

Кейинги янги прогрессив усул блан экилган экинлар илгари татбиқ этилган усулда экилган экинлардан ҳар-томонлама катта фарқ қилди, чунки ғўзалар кенг қатор ораларига эмас, балки торқатор ораларига экилган эди. Машиналарни синовдан ўтказиш станциясида 70×80 сантиметрли схема, сун'ий ёмғир ёғдириш станциясида эса 45×45 , 60×60 ва 70×30 сантиметрли схемалар қабул қилинган эди.

Торқаторларда ғўза етиштириб, мўл ҳосил олган Тожикистон пахтакорларининг бой тажрибаси ҳам 1954 йилда катта майдонларга квадрат-уялаб ва тўғри бурчакли уялаб чигит экишни дадиллик блан жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

1954 йилда, я'ни янги усул биринчи жорий қилинган йили республика колхозларида 74 минг гектар майдонга квадрат-уялаб чигит экилди ҳамда ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишланди, ўсимликларнинг 52×52 , 60×45 , 60×60 , 45×45 сантиметрли схемаларга мувофиқ жойлаштирилиши натижасида бир гектар ердаги уялар сони анча ортди ва ўсимликларнинг зарур қалинликда бўлиши та'минланди. Шу блан ғўзани икки томонлама ишлашга тўсқинлик қилиб келаётган катта камчилик—я'ни гектарларда ўсимликларнинг нормадагидан кам бўлишига барҳам берилди.

1954 йилда ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш ишидаги камчиликлардан бири шу бўлдики, қатор қилиб экилган экинларни механизация блан букетлагина квадратлар ҳосил қилинди, чунки у вақтда квадрат-уялаб экадиган махсус сеялкалар йўқ эди. Аммо мана шундай мукамал бўлмаган усул татбиқ этилган шароитда ҳам колхозлар экинларни ишлашда кўпгина ишчи кучларини тежаб қолдилар ва пахта ҳосилини оширишга муваффақ бўлдилар.

Квадрат-уялаб экиш усулини ўзлаштириш

1954 йилда ўсимликларни жойлаштириш ва экинларни ишлашнинг янги усулини қўлланиш натижалари ҳамма майдонларда чигитни оддий қатор қилиб экишдан квадрат-уялаб экиш усулига тез ўтиш зарурлигини яққол исботлаб берди.

1954 йил ноябрь ойида илғор пахтакорларнинг КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрущев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида: агротехниканинг янги прогрессив усуллари ичида экинларни узунасига ва кўндалангига ишлаш учун ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш асосий ўринни эгаллайди ва шу туфайли экинларни қатор қилиб экиш усулидан, экиш ва қатор ораларини ишлашнинг янги прогрессив усулларига тезда ўтиш зарур, деб тўғри кўрсатиб ўтилди.

Кейинги йилларда таклиф этилган агротехника усуллари ичида экинларни узунасига ва кўндалангига ишлаш усули ғоят катта аҳамиятга эгадир, чунки бу усулнинг ҳартарафлама афзалликлари ҳозирги вақтда юз минг гектарлаб майдонлардан олинган ҳосил кўрсаткичлари билан, шунингдек турли хил тупроқ ва об-ҳаво шароитларида исбот этилди.

1955 йилда барча майдонларда чигитни квадрат-уялаб экиш усулига ўтиш юзасидан Тошкент кенгашининг кўрсатмаларига амал қилиб, республикадаги МТС, колхоз, совхоз ва бошқа кўпгина ташкилот ва муассасалар бу соҳада ғоят катта иш олиб бордилар. Янги усулда иш олиб бориш учун фақат техникани қайта мослаб чиқишгина эмас, балки трактор бригадалари ходимларини, колхозчиларини, мутахассисларни, МТС раҳбарларини ва партия, совет активларини ҳам шу ишга ўргатиш талаб этилар эди.

Кўкламги экиш даврига қадар бўлган қисқа муддат ичида 18 мингта трактор, 10 мингта сеялка, 7 мингта культиватор ва бошқа кўпгина техника мосланиб, қайта ускуналанди. Ун минглаб кишилар махсус қисқа муддатли тайёргарликдан ўтдилар.

Бу соҳада давлат республикамиз қишлоқ хўжалигига катта ёрдам берди, МТС ва совхозларни зарур узел ва детальлар, СКГХ-4 маркали янги сеялкалар, сим тортадиган станциялар ва бошқа механизмлар билан

узлуксиз равишда та'минлаб турди. Шу туфайли машиналарни қайта ускуналаш иши сифатли ва қисқа муддатда ўтказилди.


Мана буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон МТСлари ва колхозлари учун ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш ва ғўзаларни яхши парвариш қилиш ишини асосан муваффақиятли бажаришга имкон берди. Квадрат-уялаб экилган далаларнинг кўриниши тамомила ўзгариб қолди. Квадрат-уялаб экиш усули оддий қатор қилиб экиш усулини далалардан сиқиб чиқармоқда.

Яқиндагина, я'ни бундан икки-уч йил илгари ўсимликлар уялаб жойлаштирилган биронта участкани топиш мумкин эмас эди. Бунинг устига ғўза қатор оралари кенг, я'ни 70 сантиметрли бўлар эди. 1955 йилда ҳамма далаларда қатор ораларининг кенглиги 45 сантиметр блан 60 сантиметр орасида бўлди. Бундан ташқари 240 минг гектар майдонга чигит квадрат-уялаб экадиган махсус сеялкалар воситаси блан экилди. 6 минг гектардан ортиқроқ ерга ғўзаларни икки қатор қилиб жойлаштирилди.

Режа сими орқали ишлайдиган махсус сеялкалар ёрдами блан чигит экилган майдонлар кам бўлишига қарамасдан, 550 минг гектардан ортиқроқ ердаги ғўзани квадрат-уялаб жойлаштиришга эришилди. Бу эса республика колхозларидаги пахта майдонининг 44,4 процентини ташкил этади. Бунга қатор қилиб экилган ғўзаларни механизация асосида букетлаб кетиш туфайли эришилди ва шундай қилиб режа сими блан ишлайдиган сеялкаларнинг етишмаслик ўрни тўлдирилди (расм 4).

Ўсимликлар 60×45 ва 60×60 сантиметрли схема-ларга мувофиқ жойлаштирилган далаларда ғўзалар узунасига ва кўндалангига кўпроқ ишланди. Шунингдек 45×45 см, 52×52 , 50×50 см ли схемалар бўйича экилган ғўзалар ҳам икки томонлама ишланди. Шу тариқа вегетация даври давомида ўрта ҳисоб блан экин-лар 2,3 марта кўндалангига ишланди, кўпчилик колхоз-ларда эса бу иш 3 ва 4 марта ўтказилди.

Узунасига ва кўндалангига культивация қилиш экин-ларни парвариш қилишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириб юборди, масалан, меҳнат сарфлари анча қисқарди, ғўзалар парвариши яхшиландики, булар янги усулнинг асосий афзалликлари ҳисобланади. Шундай



Расм 4. Узунасига ва кўндалангига ишлаш учун қатор қилиб экилган экинларни механизация асосида яганалаш.

қилиб, пахтакорлар пахта майдонларининг ярмини қўлда чопиқ қилиш каби оғир меҳнатдан бутунлай озод бўдилар.

Ҳозир Ўзбекистон колхозлари қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялашни ўзлаштиришнинг кенг йўлига чиқиб олмоқдалар, деб айтиш мумкин. Бунда одамнинг роли фақат машиналарни моҳирлик билан бошқаришдан иборат бўлади, холос. Биз йилдан-йилга мана шу мақсадга яқинроқ бораётирмиз.

Чигитни квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлаш усулларини ўзлаштириб олиш соҳасида Андижон, Тошкент, Наманган ва Қашқадар'ё областларининг МТС ва колхозлари бошқаларга ўрнак бўлишга арзийдиган муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу областлардаги кўпгина далаларда ғўза қатор оралари 2,5—3 марта узунасига ва кўндалангига ишланди.

Экинларни икки томонлама ишлаш натижалари ҳамма жойда ҳам бу янги усулнинг афзалликларини тасдиқламоқда. Шунини айтиб ўтиш зарурки, олинган эффект кутилган натижага нисбатан оз бўлди, чунки 1954 йил

куз ойларида ва 1955 йил мобайнида юз берган об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги учун у қадар қулай келмади ва натижада юқори ҳосил тўплаш иши бирмунча қийинчиликларга дуч келди.

Аммо шунга қарамасдан ҳамма жойда ҳам икки томонлама ишланган экинлар фақат узунасигагина культивация ўтказилган экинлардан ҳартомонлама устун бўлиб ажралиб турди.

Квадрат-уялаб жойлаштирилган экинларнинг ижобий белгилари шундан иборат бўлдики, ҳамма ғўзалар бир текис ривожланди ва ҳарбир тупда кўп миқдорда ҳосил элементлари тўпланди, ҳолбуки оддий қатор қилиб экилган ғўзаларни қўлда яганалаш вақтида уялар ораси ҳархил катталиқда бўлиб қолгани сабабли одатда ўсимликлар бир текис ривожланаолмайди. Бунинг натижасида бақувват бўлиб ўсган ғўзалар блан бир қаторда кўпинча суст ривожланган ғўзалар ҳам учрайди, ба'зи жойларда эса ўсимликлар бутунлай ҳосил тўпламай қолади.

Квадрат-уялаб экилган экинларда ҳарқайси томонга қараб ўсган ҳосил шохларининг бемалол ривожланиши учун бўшлиқ етарли бўлади.

Ғўзалари икки томонлама ишланган далаларда кўсаклар барвақт етилди. Бунинг сабаби шуки, ўсимликлар қуёш нуридан кўпроқ фойдаланди, тупроқ ва атмосфера ҳавоси ўртасида газ алмашиш бирмунча тезлашди, машина блан ҳарқайси уянинг ҳамма томонидаги тупроқ юмшатиб кетилгани туфайли, илдиз системасининг яхши ривожланишига қулай шароит яратилди ва ўсимликлар тупроқдаги озуқа моддалардан яхши фойдаланди.

Ғўзалари икки томонлама ишланган далаларда ўсимликларнинг жойлаштирилиш қалинлиги оддий қатор қилиб экилган далалардаги ўсимликларнинг ҳақиқий жойлаштирилиш қалинлигидан кам бўлмади. Аммо шунга қарамасдан узунасига ва кўндалангига ишланган далалардаги экинлар яхши ривожланди ва мўл ҳосил берди.

Колхозларнинг бирталай ма'лумотларига қараганда, ўсимликлар 60×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган участкаларда бир гектар ердаги ғўза тупларининг жойланиш қалинлиги бир уяда ўрта ҳисоб блан 2—3 та ўсимлик қолдирилган тақдирда қатор қилиб экилган ғўзаларнинг туриш қалинлигига нисбатан

99 процентни ташкил этади. Ғўзалар 45×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган далаларда эса бир уяда 2 тадан ўсимлик қолдирилади ёки бир гектар ердаги ўсимликлар сони 100 мингтани ташкил этади. Бошқа турдаги схемаларда ҳам шунга ўхшаш аҳвол кузатилади.

Экинларни узунасига ва кўндалангига ишлашнинг асосий афзалликларидан яна бири шуки, далалар ҳама-вақт бегона ўтлардан тоза ҳолда сақланади. Айниқса бу афзаллик меҳнатга яроқли бир колхозчига кўп экин майдони тўғри келадиган колхозларда ўзининг қимматини яққол кўрсатди, чунки ўтган йилларда ишчи кучлари етишмаслиги сабабли далалар пахта йиғим-терим давригача бегона ўтлар блан кучли даражада ифлос-ланиб қолди ва бунинг натижасида ғўзалар қисилиб, йиғим-терим ишлари қийинлашиб кетди.

Экинларни икки томонлама ишлашнинг прогрессив аҳамияти яна шундан иборатки, бундай далалардан юқори ҳосил етиштиришга қўл меҳнати блан эмас, балки асосан қатор ораларини машина блан ишлаш натижасида эришилди. Кетмон чопиқ қилишга эҳтиёж қолмади ёки бунга сарфланган меҳнат кескин равишда камайди.

Республиканинг бирқатор районларида ғўза парвариши агротехникасининг бу янги прогрессив усули асосий усул сифатида қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига кенг жорий этиладиган бўлиб қолди. Масалан, Учқўрғон районида 8,5 минг гектар майдонга экилган ғўза вегетация даврида узунасига ва кўндалангига ишланди. Натижада райондаги колхозлар ҳосилдорликни ошириб, ўрта ҳисобда ҳарбир гектар ердан 22 центнердан кўпроқ пахта олдилар ва давлат пахта топшириш планини 108 процент бажардилар.

Избоскан ва Марҳамат районларида 4—4,5 минг гектардан ердаги ғўза узунасига ва кўндалангига культивация қилинди. Шу жумладан 3,1 марта кўндалангига культивация ўтказилди. Бу районларнинг колхозлари ўрта ҳисобда гектаридан 23—26 центнердан ҳосил олиб, давлат пахта тайёрлаш планини ортиғи блан бажардилар.

Турақўрғон районида 6,2 минг гектар майдондаги ғўза икки томонлама ишланди. 2,6 марта кўндалангига культивация қилинди. Натижада олинган ҳосил гектарига 29,3 центнерни ташкил этди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида икки йил давомида узунасига ва кўндалангига ишлашни қўлланиш натижалари шуни яққол исбот этдики, ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва икки томонлама ишлаш усулини қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига кенг жорий этиш экинларни юқори сифатли парвариш қилишни ва шу асосда мўл ҳосил етиштиришни таъминлайди.

Яна шуни ишонтириб айтиш мумкинки, пахтачилик агротехникасининг янги прогрессив усуллари, даставвал ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлашни ёппасига жорий қилиш кўпгина колхоз, далачилик бригадалари ва звеноларга 1955 йилда ноқулай об-ҳаво шароитлари сабабли ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни яхши ривожлантиришга, бинобарин юқори ҳосил етиштиришга ва шу йўл билан қолоқликдан чиқиб, илғорлар қаторига етишга ёрдам берди.

Экинларни узунасига ва кўндалангига ишлашнинг ҳартомонлама афзалликларига тўла ишониш учун колхозлар тажрибасидан сон-саноқсиз мисоллар келтириш мумкин.

Шу нарса диққатни ўзига жалб этадики, пахта тайёрлаш планини ортиғи билан бажарган районларда экинларни икки томонлама ишлаш салмоғи кўп бўлган, ваҳоланки планини бажаришда орқада қолган районларда бу усул кам татбиқ этилган ёки кечикиб ё эса сифатсиз қилиб ўтказилган.

Пахта тайёрлаш планини бажаришда энг орқада қолган Қораўзақ районида кичик майдонлардаги ғўзалар атиғи 1,5 марта кўндалангига ишланган. Маълум бўлишича, бу ерда экинларни квадрат-уялаб жойлаштириш ва икки томонлама ишлашнинг аҳамиятига яхши тушуниб етилмаган ва бу янги усулнинг афзалликларига етарли даражада баҳо бермаслик ҳолларига бутунлай барҳам берилмаган.

Бухоро, Фарғона ва Сурхондарё областъларининг кўпчилик колхозларида ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлаш масаласига жиддий муносабатда бўлинмади. Мазкур областъларда ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилган майдонлар 35—38 процентдан ошмаганлиги устига, бу экинлар атиғи 1,5—1,7 марта кўндалангига ишланган. Бу областълардаги МТС ва колхозларнинг кўпгина раҳбарлари агротехниканинг эскириб қолган усулларига ҳали ҳам ёпишиб келмоқдалар, улар экинларни

янги усулда парвариш қилиш учун оғзаки курашиб, амалда эса агротехникадаги консерватизмга барҳам бериш юзасидан биронта натижали чора кўрмаётирлар.

Иқтисодий жиҳатдан фойда келтириш асосий афзалликдир


Оддий қатор қилиб экилган ғўзани ишлаш система-си қатор ораларини культивациялаш, қўлда — кетмон чопиқ қилиш ва бегона ўтларни ўташдан иборат бўлади. Бегона ўтларни ўташ иши қўлда бажарилади ва шу блан бир вақтда тупроқ юза юмшатиб кетилади. Қўлда чопиқ қилиш культивация ўтказишнинг ажралмас давоми ҳисобланар эди. Қатор ораларини ҳарбир ишлаш вақтида культивациядан кейин қўл чопиғи ўтказилган ҳолдагина ишни тугалланди деб ҳисобланар эди. Қўл чопиғи эса, қонда тариқасида, культивациядан орқада қолар эди.

Қўлда чопиқ қилишнинг зарурлиги шунда эдики, культиватор қатор ораларида фақат тор полосани ишлаб кетарди.

Чигитни қатор қилиб экилган вақтда 50 процентга яқин майдондаги ғўза механизмлар воситаси блан ишланади. Ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлашга ўтиш муносабати блан культиваторда ва қўлда ишланадиган майдонларнинг нисбати кескин суратда ўзгаради, чунки трактор культиваторлари блан экинларни икки томонлама ишлаган маҳалда 80—85 процент майдон қамраб олинади ва қўл меҳнатига деярлик бутунлай эҳтиёж қолмайди. Шу тариқа экинларга ишлашнинг асосий воситаси тракторли осма культиватордан иборат бўлиб қолади (расм 5).

Тор қатор ораларида ғўза ўстириш усулига ўтиш ўсимликларни кўндалангига ишлаш ва иҳота зоналарини қисқартиришга асосланади. Шундай қилганда уялардаги тупроқ ҳамавақт донадорлик хусусиятини сақлаб туради. Бинобарин, узунасига ва кўндалангига ишлаган вақтда уялардаги тупроқнинг жой алмаштириши натижасида ўсимликларнинг нормал сув-ҳаво режими учун яхши шароит яратилади ва уяларни қўлда чопиқ қилиб юмшатиб кетиш зарурати қолмайди. Бунда фақат уялардаги бегона ўтларни ўташ блан кифояланиш керак бўлади. Узунасига ва кўндалангига ишлаш ҳамда ўтоқ

қилиш йўли блан ҳам ўсимликларнинг яхши ривожланиши учун шароит яратиш мумкин бўлмаган оғир тупроқли ва шунингдек бегона ўтлар ҳаддан ташқари кўп ўсиб кетган даладардагина қўлда чопиқ ўтказиш лозим.



Расм 5. Кўндалангига биринчи ишлаш.

Шунга қарамасдан кўпгина колхозларнинг раҳбарлари янги иш усулларини ҳисобга олмай, кўндалангига ишлашни экинларни парвариш қилишда одат бўлиб қолган мавжуд системага қўшимча деб қараб келмоқдалар ва кетмондан воз кечишни истамаётирлар. Шунинг учун ҳам ғўзаларни трактор культиваторлари блан икки томонлама ишлашга берилиб, қатор оралари яхши юмшатиш ва бегона ўтлардан мутлақо тоза бўлган даладарда ҳам кётмон чопиқ ўтказиш ҳоллари тез-тез учраб турди. Бундай ортиқча иш ҳечқандай фойда келтирмади ва фақат меҳнат кунларини бекорга сарфлашга сабаб бўлди. Масалан, Пахтабод районидаги Ленин

номли колхознинг К. Ғозиев бошлиқ далачилик бригадасида 31 гектар майдонга экилган ғўза икки томонлама ишланди. Бу участкадан юқори ҳосил — гектари-дан 39 центнердан пахта олинди, аммо бу ҳосилни етиштириш учун ҳечбир зарурлиги бўлмаган ҳолда ҳаддан ташқари кўп, я'ни гектарига 297 меҳнат куни сарфланган!

Шу райондаги Молотов номли колхознинг Т. Жонбеков ва К. Назаров ўртоқлар бошлиқ далачилик бригадаларида гектаридан 30 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Аммо бу бригадаларда ҳам мутлақо зарурлиги бўлмаган ҳолда бекорга меҳнат сарфланган. Натижада гектарига сарфланган меҳнат куни 290—300 тага етган.

Чироқчи районида 3700 гектар майдонга оддий қатор қилиб чигит экилди ҳамда ўсимликларни 60 ва 70 сантиметрли қатор ораларига жойлаштирилди, 1596 гектар ерда эса ғўзаларни 60×60, 60×45 ва 45×45 сантиметрли схемалар бўйича жойлаштирилди. Бу далалардан олинган ҳосил оддий қатор қилиб экилган далалардан олинган ҳосилга қараганда бирнеча центнер юқори бўлди, аммо бирнеча марта кўндалангига культивация ўтказилганига қарамасдан, ҳарбир гектар ердаги экинни ишлаш учун 220—240 меҳнат куни сарфланиб кетган.

Жиззах районида ғўзаларнинг 50 проценти узунасига ва кўндалангига ишланди. Демак бу блан меҳнат сарфлари қисқариши керак эди. 1955 йилда 4,4 марта қўлда қолиқ ўтказилган. Ҳолбуки ғўза кўндалангига кам ишланган 1954 йилда қўл қолиғи 4,1 марта ўтказилган эди. Бундай аҳвол Иштихон ва бошқа айрим районларда ҳам содир бўлган.

Мана шу каби салбий фактлар блан бир қаторда, экинларни узунасига ва кўндалангига ишлаш усулига ўтиш натижасида келиб чиқадиган афзалликлардан фойдаланиб, меҳнат сарфларини анча қисқартиришга эришган колхозлар ҳам оз эмас. Масалан, 1954 йилда экинлар узунасига ва кўндалангига ишланган далаларда республика бўйича 25—26 процент меҳнат сарфлари тежаб қолинди, 1955 йилда эса бу рақам 35—45 процентга етди. 1955 йилда 1954 йилга нисбатан кераксиз ишлар кам қилинди.

Янгийўл районидаги XIX партс'езд номли колхоз 700 гектар майдонга чигит экади, бу экинларнинг яр-

мидан кўпи икки томонлама ишланди. Меҳнат кунлари сарфлаш натижаларини таққослаб кўрилганда узунасига ва кўндалангига ишланган далаларда оддий қатор қилиб экилган далалардаги экинларни ишлаш учун сарфланган меҳнат кунларига нисбатан ўрта ҳисоб блан гектарига 18—20 меҳнат куни тежаб қолинган, ҳосилдорлик эса бирнеча центнер юқори бўлган.

Марҳамат районидаги Куйбишев номли колхозда 600 гектардан ортиқ ерга пахта экилади. Шундан 65 процент майдондаги ғўза узунасига ва кўндалангига ишланди. Натижада гектарига 40 меҳнат куни тежаб қолинди.

Ҳазорасп районидаги Ленин номли колхозда квадрат уялаб жойлаштирилган ғўза экинларини ишлаш учун ўрта ҳисобда гектарига 34,2 та меҳнат куни сарфланди, оддий қатор қилиб экилган ғўзаларни ишлаш учун эса 63 та меҳнат куни сарфланди. Ҳар иккала майдондан олинган ҳосил кўрсаткичларини таққослаб кўрилганда икки томонлама ишланган далалар ҳосили бирмунча юқори бўлганлиги аниқланди.

Уйчи районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи Назаров ғўзаларни 3,6 марта кўндалангига ишлаб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олди ва ҳар бир гектар майдонда 58 меҳнат кунини тежаб қолди.

Избоскан районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ Раҳмонов ғўзасини 4 марта кўндалангига ишлаб, бу далаларда гектарига 20 меҳнат кунини тежаб қолди ва шу блан бир қаторда пахта ҳосилини 3,8 центнер оширишга муваффақ бўлди.

Кўпгина далачилик бригадаларида ва колхозларда ғўзаларни парвариш қилиш иши фақат ўсимликларни узунасига ва кўндалангига ишлашдан иборат бўлди. Кетмон чопиқ ўтказишга эҳтиёж қолмади, бунинг ўрнига бегона ўтларни ўташ ўтказилди.

Ўртасарой районидаги Булганин номли колхозда 1954 йилда чигитни фақат оддий қатор қилиб экилган эди, 1955 йилда эса барча майдонларда ўсимликларни 60×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилиб, экинларни икки томонлама ишлаш жорий этилди. Вегетация даврида 5 марта узунасига ва 3—5 марта кўндалангига культивация ўтказилди. Агар 1954 йилда узунасига ўтказилган культивацияга қўшимча равишда ғўзаларни 3 марта кетмон чопиғи қилиш талаб этилган

бўлса, 1955 йилда экинларни ишлашда механизмларни кенг татбиқ этиш туфайли кетмон чопиғи ўтказилмай, унинг ўрнига икки марта ўтоқ қилиш блан чегараланилди. Шу тариқа бу колхозда бир йил ичида ҳосилдорлик икки барабар ошди.

Экинларни узунасига ва кўндалангига ишлашнинг яна бир муҳим афзаллигини уқдириб ўтиш керак. Бу афзаллик шундан иборатки, экинларни парвариш қилишнинг айна қизғин кунларида ишчи кучлари ва меҳнат тежаб қолинди. Масалан, май ва июнь ойларида ишчи кучларига бўлган талаб ғоят катта бўлади, чунки бу ойларда ғўза майсаларини яганалаш, экин қатор ораларини биринчи ишлаш, озиқлантириш ўтказилади ва суғориш ишлари бошланади. Худди шу даврда ипак қуртларига озуқа тайёрлаш ва уларни боқиш авж олган бўладикки, бу иш жуда кўп ишчи кучи ва меҳнат талаб қилади. Бундан ташқари пичан ўриш ишлари ўтказилади, жанубий районларда эса ғалла ўрим-йиғими бошланади. Шунингдек бу даврда бошқа кечиктириб бўлмайдиган қишлоқ хўжалик ишларини бажаришга тўғри келади.

Шу сабабли Ўзбекистонда асосий экин ҳисобланган ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлашнинг кенг жорий қилиш фақат меҳнатни энгиллаштириш, экинларни яхши парвариш қилиш ва ҳосилдорликни оширишнинг таъминлаб қолмасдан, балки кўп ишчи кучларини бўшатиб, улардан янги ерларни ўзлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш ва колхоз ишлабчиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда фойдаланиш имкониятини ҳам яратиб беради.

Ќўзани узунасига ва кўндалангига ишлаш меҳнат сарфларини қисқартиришда хусусан экин майдонлари катта бўлиб, ҳарбир меҳнатга қобилиятли колхозчига катта майдонлар тўғри келадиган колхозларда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бундай колхозларда ишчи кучлари етишмагани сабабли экинлар одатда яхши ишланмай қолади. Бунинг натижасида кам ҳосил олинади ва колхоз даромади пасайиб кетади. Икки томонлама ишлаш усулини жорий қилинганда эса аҳвол тубдан ўзгаради, яъни экинлар ўз вақтида парвариш қилинади, ҳосил мўл бўлади ва колхоз даромади ортади.

Бу аҳволни равшан кўриш учун аввал қолоқ ҳисобланган ва 1955 йилда экинларни узунасига ва кўнда-

лангига ишлаш натижасида ҳосилдорликни ошириб, илғорлар қаторига тенглашиб олган колхозлардан мисол келтирамиз.

Масалан, Ойим районидаги Маленков номли колхозда 1954 йилда гектарига атиги 7,3 центнердан пахта ҳосили олинди. Ишчи кучлари етишмагани сабабли 1955 йилда 437 гектар майдонга экилган ғўзани ишлашга 200 га яқин одам бириктириб қўйилди. Ишчи кучларининг етишмаслигини қоплаш учун колхоз правлениеси 80 процент майдондаги ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлашга қарор қилди. Бунинг натижасида экинларни парвариш қилиш кескин равишда яхшиланди ва колхозда ҳосилдорлик бир йил ичида икки баравардан кўпроқ ошди.

Ворошилов районидаги Фрунзе номли колхозда ҳам ҳарбир меҳнатга қобилиятли колхозчига тўғри келадиган экин майдони кўп бўлгани сабабли ғўзалар ўз вақтида ва сифатли парвариш қилинмас эди. 1954 йилда бу колхозда гектаридан атиги 9,5 центнер ҳосил олинди. 1955 йилда 66 процент майдондаги ғўза узунасига ва кўндалангига ишлангани туфайли олинган ҳосил гектарига 21 центнерни ташкил этди.

Аввал қолоқ бўлиб келган ва экинларни узунасига ҳамда кўндалангига ишлашга ўтгандан кейин ҳосилдорликни анча оширган бошқа кўпгина колхозлар ғўзанинг ярмидан кўп қисмини икки томонлама ишлаш йўли билан ана шундай натижаларга эришдилар. Масалан, Қўрғонтепа районидаги „Правда“ колхозини 90 процент, шу райондаги „Пахта fronti“ колхозини 95 процент, Жалақудуқ районидаги Ленин номли колхоз эса 72 процент майдондаги ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлади ва ҳоказо.

Экинларни парвариш қилишнинг янги усулига ўтиш ишчи кучлари етишмаслиги сабабли ғўзаларни ўз вақтида парвариш қилиш бирмунча қийинчиликлар билан боғлиқ бўлган кўпгина районларда ижобий натижалар берди. Бунга мисол қилиб, даставвал Ойим районини кўрсатиш керак. Бу район Андижон областида узоқ вақтдан бери паст ҳосил олиб келар ва пахта тайёрлаш планини бажармас эди. 1955 йилда районнинг 51 процент майдонидаги ғўзалар узунасига ва кўндалангига ишланди. Фақат шу туфайли райондаги колхозлар бир йил ичида ўрта ҳисоб билан пахта ҳосилини гектарига

6,5 центнер оширишга муваффақ бўлдилар. Ойим районида қўшни бўлган Ворошилов районида 44 процент майдондаги экинлар икки томонлама ишланган эди, натижада ҳосилдорлик гектарига 8 центнер ошди. Ўрта-сарой районидаги, айниқса биринчи МТС зонасидаги колхозлар катта муваффақиятларга эришдилар, улар 70 процент майдондаги ғўзани икки томонлама ишлаб, ишчи кучлари етишмаслигининг ўрнини қопладилар ва ҳосилдорликни ўрта ҳисоб блан гектарига 4,5 центнер оширдилар. Экинларни иккитомонлама ишлаш усулини кенг ва дадиллик блан қўлланган Пискент ва бошқа бирқатор районларда ҳам ана шундай ижобий натижалар қўлга киритилди.

Ҳосилдорликни ошириш

Пахтакорлар агротехника илмининг ва қишлоқ хўжалик маданиятининг ҳозирги замон даражасида ўсимликни мақсадга мувофиқ равишда парвариш қилиш ва пахтадан юқори ҳосил олиш учун зарур бўлган воситаларга эгадирлар.


Бу соҳада агротехниканинг янги усулларини қидириб топган пахтачилик илмлари ва пахта етиштиришга доир агротехника тадбирларини ишлаб чиққан ҳамда бу тадбирларни илмий равишда асослаб берган Союз-НИХИ илмий ходимлари коллективининг хизмати фоят каттадир.

Ўсимликнинг ривожланиши учун зарур бўлган энг кучли иккита фактор бизнинг ихтиёримиздадир, у ҳам бўлса сув блан озукадир.

Ўсимликларни тўғри жойлаштириш йўли блан ғўза тупларининг қуёш нуридан яхши фойдаланишига эришиладики, бу ҳолат ҳосил тўплаш учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Экинларни ўз вақтида ва сифатли ишлаш блан тупроқ ва атмосфера ҳавосининг яхши алмашувини таъминлаш мумкин. Тупроқнинг устки қатлами эса қуёшдан етарли даражада иссиқлик олади.

Бинобарин квадрат-уялаб экиш усулини колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига жорий қилиш ғўзага ташқи факторларнинг таъсирини яхшилади, чунки ғўзалар икки томонлама ишланган далаларда ҳосилдорликнинг ортиши ва кўсакларнинг бирмунча эрта муддатларда етилиши буни тўла исбот этади (расм 6).

Шунинг учун ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига культивация қилинган участкаларда ҳосилдорликнинг ортиши фақат ўз вақтида ва сифатли ишлаш натижасидагина эмас, балки ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш туфайли ташқи муҳит факторлари: иссиқлик, ёруғлик, ҳаво, сув ва озуқаларнинг ғўзага актив равишда таъсир кўрсатиши натижаси ҳамдир. Оддий қатор қилиб экилганда эса ўсимликлар бу шароитлардан тўла фойдаланаолмайди.



Расм 6. Узунасига ва кўндалангига учинчи ишлаш.

Оққовоқ тажриба станциясининг аниқлашига қараганда, тўғри бурчакли уялаб жойлаштирилган участкаларда ўсимликлар оддий қатор қилиб экилган ўсимликларга нисбатан қуёш нуридан кўпроқ фойдаланади. Бу эса ўз навбатида углеродни тез ўзлаштиришга, ўсимликнинг яхши ўсиб, яхши ривожланишига ёрдам беради ва бинобарин ҳосил тез етилади.

Янги прогрессив усул қўлланилган далалар тупроғида нам яхши сақланади, кундуз кун иссиқлик жуда ошиб кетган вақтда тупроқ бироз совуган ҳолатда туради, аммо бу ҳолат ўсимликка заррача зарарли таъсир кўрсатмайди. Бундай усулда жойлаштирилган экинларда тупроқ ва ҳаво ўртасидаги фарқ оддий равишда ишланган экинлар билан солиштириб кўрилганда 10 процентга етади. Бунинг натижасида ғўзалар квадрат-уялаб

экилган далалардаги тупроқ ҳавоси блан атмосфера ҳавоси ўртасидаги газ алмашиш жараёни кучли бўлади. Бинобарин бу кучли жараён атмосфера ҳавосини қарбонат ангидрид (углекислий газ) блан тўлдиради. Ўз навбатида бу газ ўсимликнинг кўк қисмларида органик моддалар ҳосил қилади, бунинг ўрнига эса тупроқ орасига кислород киради ва ўсимлик илдизлари шу кислород блан нафас олади. Шунингдек тупроқ орасидаги микроорганизмлар учун ҳам кислород зарур бўлади. Микроорганизмлар эса тупроқ орасида яшаб, ўсимликлар учун озуқа тайёрлаб беради.

Экинлар квадрат-уялаб жойлаштирилганда ўсимликлар учун жуда қулай иссиқлик шароити яратилади. Бундай далалардаги ўсимликларнинг сув талаб қилиши ва сарфлаши мўл ҳосил тўплашга қаратилган бўлади.

Икки йил мобайнида олиб борилган илмий-текшириш ишлари квадрат-уялаб жойлаштириб, узунасига ва кўндалангига ишланган вақтда ғўзалардаги ҳосил муқаррар ортишини тасдиқлади, чунки бу усул ўсимликларнинг физиологик эҳтиёжларига тўла-тўқис жавоб беради.

Ўсимликларни тўғри жойлаштириш уларнинг яхши ривожланишини белгилайди. Ўсимликлар квадрат-уялаб жойлаштирилганда ташқи муҳит блан организм ўзаро бир-бирига яхши таъсир кўрсатадики, бу ҳолат ғўзаларнинг бирмунча юқори ҳосил тўплашига хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган Оққовоқ станциясида ўсимликларни жойлаштириш усулидан қатъи назар, барча майдонлардаги ғўзаларни агротехника талабларига мувофиқ жуда яхши парвариш қилинди. Натижада узунасига ва кўндалангига ишланган далалардан гектарига 40 центнер ҳосил олинди. Янги усулда ишланган 1 туп ғўза 1 августга қадар 15,4 та мева шохи ва ҳарбир тупида 7,2 та кўсак олди. Ваҳоланки, оддий равишда ишланган 1 туп ғўза шу муддатда 14,8 та мева шохи ва ҳарбир тупда 5 та кўсакка эга бўлди.

Фарғона тажриба станциясининг маълумотларига қараганда, узунасига ва кўндалангига ишланган далалардаги ғўзалар оддий усулда ишланган далалардаги ғўзаларга нисбатан бирмунча эрта муддатларда етилган. Кўсакларнинг етилишини процент ҳисобида қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Вақти	Кўндалангига ишланган далаларда	Узунасигагина ишланган далаларда
1 сентябрда	14,0	3,0
6 "	26,6	14,1
13 "	58,0	45,5
17 "	80,5	59,2

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1954 ва 1955 йилларда кўпгина колхозларда ғўзанинг аҳволини диққат билан ўрганиб чиқди. Якунлар шуни кўрсатдики, экинлар икки томонлама ишланган далаларда тўпланган ҳосил фақат узунасига ишланган далаларда тўпланган ҳосилга қараганда бирмунча юқори бўлди. Масалан, кўндалангига ишланган далалардаги 1 туп ғўзада 1 августда оддий қатор қилиб экилган ғўзаларга қараганда 1—1,5 та кўсак ортиқ тўплангани ҳисоблаб чиқилди.

Республика колхозларида ўтказилган сон-саноқсиз тажрибалар ва ғўзалари икки томонлама ишланган далалардан олинган ҳосил тўғрисидаги икки йиллик материаллар бундай экинлардан 17—20 процент қўшимча пахта ҳосили олиш мумкин, деб ҳисоблаш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади. Бу усулни яхши ўзлаштириб олинса пахта ҳосили бундан ҳам кўп ортиши муқаррар эканлигини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Қуйида бирқатор далачилик бригадаларининг материалларига асосан ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилган далаларда оддий қатор қилиб экилган далаларга нисбатан ҳосилдорлиқнинг ортиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилади:

Далачилик бригадалари- нинг миқдори	Ўсимликларни жойлаштириш схемаси	Узунасига ва кўндалангига ишланган дала- лар	Ҳосилдорлик- нинг ортиши (процент)
56	45 × 45	2913	14,8
18	50 × 50 ва 52 × 52	1054	16,9
82	60 × 60	3051	16,6
86	60 × 45	3528	16,9

Юқорида айтиб ўтилганидек, ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилган далаларда ҳосилдорликнинг ортиши фақат ўсимликларни яхши парвариш қилиш натижасидан иборат бўлиб қолмасдан, балки ўсимликларнинг иссиқлик, ёруғлик, озиқланиш ва бошқа шароитлардан бирмунча тўла фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

Навбатдаги вазифалар

Икки йил мобайнида ўсимликларни жойлаштиришнинг турли-туман схемаларини татбиқ этиш натижаларига асосан икки хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, ўсимликларни тўғри бурчакли уяларга эмас, балки квадрат шаклидаги уяларга жойлаштириш керак. Бу эса тракторлардан яхши фойдаланишни таъминлаш билан бирга экинларни ишлашда, парвариш қилишда ва тўла сақлаб қолишда тракторчиларнинг масъулиятини оширади; иккинчидан, пахта ҳосилини кескин суратда ошириш учун бир гектар ердаги уялар сонини имконият борича кўпайтириб, уяларга зарур миқдордаги ўсимликларни жойлаштириш керак. Бу эса экинларни механизмлар воситаси билан икки томонлама сифатли ишлашга ва эгатлар орқали тўғри суғоришга имконият беради.

Шунинг учун ҳам 1956 йилда квадратларнинг томонлари 50—60 сантиметр чегарасида бўлган схемалар кўп қўлланиши кўзда тутилади, чунки квадратларнинг томонлари кичик бўлган схемалар, агар ер қия бўлмаса, механизация асосида ишлашни ва суғоришни қийинлаштириб қўяди; квадратларнинг томонлари катта бўлганда эса — ўсимликларнинг зарур миқдорда туриши таъмин этилмай қолади.

Наманган, Фарғона, Самарқанд областларининг бирқатор колхозларида, кўпгина совхозларда ва илмий-текшириш муассасаларида ўсимликлар 50×50 сантиметрли схемалар бўйича жойлаштирилган далалардан энг юқори ҳосил олинди. Чортоқ районидаги Сталин номи колхозининг кўрсаткичлари янада диққатга сазовордир, чунки бу ердаги 50×50 сантиметрли схемалар бўйича жойлаштирилган ғўзалар ҳосили гектарига 41 центнерни ташкил этди. Ҳолбуки ғўзалар 60×60 сантиметрли схемалар бўйича жойлаштирилган далалардан гектарига 32—35 центнер ва 60×45 санти-

метрли схемадаги далалардан эса гектарига 30—32 центнер ҳосил тўпланди. Шу райондаги Ворошилов номли колхозда ҳам худди мана шундай натижаларни қўлга киритилди.

Бундан ташқари, Тўрақўрғон ва Уйчи районларининг колхозларида ҳам ғўза 50×50 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган далалардан энг кўп ҳосил олинди. Фарғона область, Бувайда районидаги Охунбобоев номли колхозда ғўзалар 50×50 сантиметрли схема блан жойлаштирилган далалардан олинган пахта ҳосили ғўзалар 60×45 ва 60×60 сантиметрли схемалар блан жойлаштирилган далалар ҳосилига қараганда гектарига 1,5 центнер ортиқ бўлди.

2-нчи „Далварзин“, „Совой“, Сталин номли 16 сон совхозларида ва шунингдек республиканинг бошқа кўпгина совхозларида 50×50 сантиметрли смеха ўзининг ҳартомонлама афзаллигини яққол кўрсатди.

Мана шу юқорида айтиб ўтилган ишлабчиқариш кўрсаткичлари илмий-текшириш муассасаларининг маълумотларига тўла мувофиқ бўлиб чиқди.

Суғориладиган деҳқончиликни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё институти, Фарғона тажриба станцияси ва бошқа муассасалар томонидан ўтказилган қатор тажрибалар ғўзаларни 50×50 сантиметрли схема бўйича жойлаштиришнинг афзалликларини исботлаб берди. Буни қуйидаги жадвалдан билиб олиш қийин эмас:

Схемалар сантиметр	САИМЭ	Федченко тажриба станцияси	Бухоро тажриба станцияси
	Олинган ҳосил гектаридан центнер ҳисобида		
45 × 45	38—40	26,5	—
50 × 50	42	28,7	42,3
60 × 60	39	25,3	40,2
60 × 45	41	—	—

Шунинг учун ҳозирги вақтда ғўзаларни 50×50 сантиметрли схема блан жойлаштиришни бошқа кўп схе-

маларга нисбатан прогрессив деб ҳисоблаш мумкин. Бу схема татбиқ этилганда бир гектар ерга бемалол 40 мингта уя жойлаштирилади, бу эса ўсимликларнинг зарур қалинликда туришини, яъни бир гектар ерда ғўзаларнинг нормал ривожланишига мутлақо зарар етказмаган ҳолда 80 мингтадан 120 мингтагача ўсимлик бўлишини таъминлайди. Шу схема бўйича жойлаштирилган экинларни битта трактор блан икки томонлама ишланади. Бинобарин бу схемани республиканинг кўпчилик районларида дадиллик блан татбиқ этиш керак, чунки ҳатто Бухоро, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР каби ер усти тузилиши у қадар қия бўлмаган жойларда ҳам экинларни тўғри эгатлар орқали суғориш учун қатор ораларининг кенглиги эгатларни етарли даражада чуқур қилиб олишга тўла имконият беради.

50×50 сантиметрли квадратлар техникадан унумли фойдаланишга ҳалақит бермайди, экинларни анча вақтга қадар икки томонлама ишлаб туришни таъмин этадики, буни 1955 йилда 52×52 сантиметрли схема бўйича экилган 20 минг гектар майдондаги ғўзани кўндалангига ишлаган Самарқанд область МТСларининг ишлаб чиқариш тажрибаси тамомила тасдиқлайди.

Яна шу нарсани уқдириб ўтиш керакки, ўсимликлар 45×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган далалардан ҳам бирмунча юқори ҳосил олинди. Бунинг учун далаларни тўғри ажратиш масаласига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. 45×45 сантиметрли схема бўйича чигит экиш учун далаларни тўғри ажратган хўжаликларда анчагина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Масалан, Каганович районидаги Маленков номли колхознинг ўртоқ Расулов бошлиқ бригадасида 20 гектар майдонда ғўзалар 45×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилди. Бу участкадан гектарига 23,4 центнер ёки узунасигагина ишланган участкаларга нисбатан 24 процент ортиқ ҳосил олинди.

Водил районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи Эркабоев, Шўрчи районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Абдурахмонов, Андижон районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи Каримов ўртоқлар ва бошқа кўпгина бригада бошлиқлари ғўзаларни 45×45 сантиметрли схема бўйича жой-

лаштирилган далалардан ўтган йиллардагига нисбатан анча кўп қўшимча ҳосил олдилар.

Юқорида келтириб ўтилган ижобий мисоллар блан бир қаторда шу схема бўйича ғўза етиштириб, қутилган натижага эришмаган айрим колхозлар ҳам бўлди. Бунга сабаб шу бўлдики, чигит экишга етарли даражада қия бўлмаган далалар ажратилди, бу далалардаги ғўзаларни суғоришда сувни бостириб берилди, сув режими яхши тартибга солинмагани натижасида ўсимликлар 45×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган айрим далаларда ғўза кучли равишда ўсиб, қатор ораларида бир-бири блан барвақт туташиб кетди ва ғўзаларни ишлаш имконияти бўлмай қолдики, праварлида бу ҳолат ҳосил тўплашга салбий таъсир кўрсатди.

Мана шу каби вақтинчали муваффақиятсизликни баҳона қилиб, бу схемани қўллашдан бутунлай воз кечиш керак экан, деб ўйлаш мутлақо ярамайди. Шунинг назарда тутиш керакки, ғўзалар 45×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган далалардан фақат бизнинг республикамиздаги кўпгина колхозлар эмас, балки қўшни Тожикистон республикасидаги аксарий колхозлар ҳам энг юқори ҳосил олиб келмоқдалар. Бу соҳада Тожикистон колхозлари агротехниканинг кўпгина масалалари юзасидан Ўзбекистон колхозларига ўрناк бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки Тожикистон республикаси 70—80 процент майдонга чигитни 45 сантиметрли қатор ораларига экиб, мамлакат бўйича пахтадан энг юқори ҳосил етиштирмоқда.

Ўзбекистон шароитида 45 сантиметрли қатор ораларида ғўза ўстириш учун яхши текисланган далаларни ажратиш керакки, бу далаларнинг қиялиги 0,008 дан кам бўлмасин.

Мавжуд техникани ҳамда ғўзалар 60×60 сантиметр ва 60×45 сантиметрли схемалар бўйича жойлаштирилганда олинган яхши натижаларни назарда тутиб, 1956 йилда мана шу схемаларни ҳам кенг қўлланиш мўлжалланади.

Далалари бирозгина қиялик бўлган колхозларда 60×45 сантиметрли схема кенг қўлланиши керак, чунки ғўза қатор ораларининг кенглиги чуқур эгатлар орқали сувни оз-оздан бериб суғоришга имкон беради, шу блан бирга ғўза тупларининг зарур қалинликда турishi таъминланади.

Бу схеманинг камчилиги шундан иборатки, ҳарбир далани излар ораси ҳархил бўлган иккита трактор блан ишлашга тўғри келади. Бу эса ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлаш ўртасида ба'зан узилиш, я'ни анча вақт ўтиб кетишига сабаб бўлади.

Аммо шунга қарамасдан ишни моҳирлик блан уюш-тирган кўпгина колхозлар кўзга кўринарли натижаларга эришдилар ва бу схемани қўлланиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар.

Масалан, Тошлоқ районидаги XIX партс'езд колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Ёқубов ўсимликлар 60×45 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган 20 гектар майдоннинг ҳар гектарида 29,7 центнер ёки оддий қатор қилиб экилган ғўзаларга нисбатан 2 центнер ортиқ пахта ҳосили олди.

Уйчи районидаги Жданов номли колхознинг ўртоқ Жураев бошлиқ бригадаси шу схемани татбиқ этиб, гектарида 42,6 центнер ҳосил олишга эришди. Шунингдек Мирзачўл районидаги „Октябрь“ колхозида, Наманган районидаги „Сталинград“ колхозида, Кармана районидаги „Зарафшон“ колхозида, Хонқа районидаги „Инқилоб“ колхозида ва бошқа бирқатор колхозларда 60×45 сантиметрли схемани қўлланиш натижасида ҳосилдорлик кескин суратда ортди.

Юқори унумдор далаларда, хусусан ер ости сувлари чуқуқ ва юза турган жойларда ғўзаларни 60×60 сантиметрли схема бўйича жойлаштириш кенг татбиқ этилди.

Избоскан районидаги Ленин номли колхозда бригада бошлиғи ўртоқ Мамадалнев шу схема бўйича чигит экиб, ҳарбир гектар ердан 29,5 центнер ёки қатор қилиб экилган экинларга нисбатан 2 центнер ортиқ пахта ҳосили олди.

Чархин районидаги Маленков номли колхознинг ўртоқ Тоғаев бошлиқ бригадасида ҳосилдорлик 10 процент ортди ва 33 центнерга етди. Денов районидаги Молотов номли колхознинг ўртоқ Маматқулов бошлиқ бригадасида олинган ҳосил гектарига 35,6 центнерни ташкил этди, ёки ҳосил оддий қатор қилиб экилган экинларга нисбатан қарийб 4 центнер кўп бўлди ва ҳоказо.

Бу йил ҳам 60×60 сантиметрли схема бўйича чигит экиш ишини биринчи навбатда ерости сувлари юза

турган юқори унумдор далаларда ўтказиш тавсия этилади.

Тупроғи шўрлашган районларда чигитни икки қаторли (бах'яли) усулда экиш катта аҳамиятга эгадир, чунки бу усул татбиқ этилганда ўсимликларнинг зарур қалинликда туриши таъминланади ва шу блан бирга вегетация давридаги суғоришни кенг ва чуқур эгатлар орқали ўтказиш имконияти яратилади.

Ўсимликларни жойлаштиришнинг Ўзбекистонда татбиқ этиладиган асосий схемалари қуйидаги кўрсаткичлар блан характерланади:

Уяларнинг жойланиш схемалари (см)	Бир гектар ердаги уялар сони (минг дона)	Уядаги ўсимликлар сони	Бир гектар ердаги ўсимликларнинг туриш қалинлиги (минг дона)	Бир гектар ердаги узала қаторларнинг узунлиги (минг метр)
45 × 45	49,3	2 2—3 3	98 123 148	22,12
50 × 50	40,0	2 2—3 3	80 100 120	20,0
60 × 60	27,8	3 3—4 4	83 97 111	16,7
60 × 45	37,0	2 2—3 3	74 92 111	16,7

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ғўзани фақат мана шу юқорида кўрсатилган схемаларга асосангина жойлаштириш лозим экан, деган хулосани чиқариш хато бўлади, чунки бу масала ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас.

Янги агротехника шаронтида ғўза етиштиришнинг барча тадбирларини аввалдан белгилаб берадиган асосий масала квадратнинг ҳажми ҳисобланади. Квадратуялаб чигит экишда ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган бу асосий масалага биз ҳозирча тўла-тўқис жавоб бераолмаймиз. Кўпинча зарурият тугилмаган ҳолларда ҳам ўсимликларни жойлаштиришнинг ҳархил схемалари татбиқ этилади.

Ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштиришда қайси схемани узил-кесил татбиқ этиш кераклиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш ўша ердаги ҳолат билан боғлиқ экани шу билан изоҳланадигани, ҳатто бир колхознинг чегарасидаги тупроқ-иқлим ва ер усти тузилиши шароитлари турлича бўлади. Шунингдек чигитнинг сорт белгилари ўсимликларнинг биологик талаблари, қатор ораларини ишлаш учун хўжаликнинг техника билан таъминланиш даражаси, деҳқончилик маданиятининг ривожланиш даражаси ва бошқа кўпгина сабаблар ҳозирча бирхил схемани қўлланишни узил-кесил ҳал қилишга имкон бермайди.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик фани ва ишлабчиқариши олдида турган асосий вазифа — қисқа вақт ичида ўсимликларни жойлаштиришнинг бирмунча эффектли схемасини топишдан иборат, токи яқин йиллар мобайнида мана шу схема асосида ғўза етиштиришга тўлатўкис ўтиш мумкин бўлсин. Бу эса пахта экадиган районларни зарур машиналар билан ўз вақтида таъминлаш имкониятини беради. Бундай схемалар миқдори икки-учтадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўсимликларни 55×55 сантиметрли схема бўйича жойлаштириш тажрибаси ҳозирча кам ўрганилган бўлсада, аммо маълум бир қизиқиш пайдо қилди. Чунки Сталин номли 17 совхозда, баъзибир тажриба станцияларида ва бошқа хўжаликларда ғўзалар шу схема бўйича жойлаштирилган далалардан олинган ҳосил энг юқори бўлди.

Бу схема бир гектар ерда 33 мингта уя бўлишига имкон беради, бинобарин бир гектар ердаги ўсимликларнинг туриш қалинлигини ўрта ҳисоб билан 100 минг тупга етказиш мумкин.

Ғўзалар 55×55 сантиметрли схема бўйича жойлаштирилган далаларда 45×45 ва 50×50 сантиметрли схемаларга нисбатан қатор ораларини механизация воситаси билан ишлаш ва далалардаги ҳосилни машиналар билан йиғиштириб олиш учун шароит анча яхши бўлади. Бу схемани яхшилаб ўрганиш талаб этилади.

1956 йилда республика колхозларида квадрат-уялаб чигит экиладиган ва механизация воситаси билан экинларни узунасига ва кўндалангига ишладиган майдонлар ҳажми 850 минг гектарга етказилади, шу жумладан 400 минг гектар ерга чигитни квадрат-уялаб эка-

диган махсус сеялкалар блан экилади. Бу усул айниқса Наманган ва Андижон областъларининг далаларида кўпроқ жорий қилинади.

Квадрат-уялаб чигит экадиган сеялкалар оддий қатор қилиб чигит экадиган сеялкаларга нисбатан ҳартомонлама афзал эканлигига қарамасдан кўпгина жойларда чигитни оддий қатор қилиб экиб, кейин механизация асосида букетлаш йўли блан квадратлар ҳосил этиш усуллари қўлланиб келинмоқда. Бу иш мутлақо нотўғридир. Шунга кўра ўлчов симли махсус сеялкалар етишмаган тақдирдагина экинларни узунасига ва кўндалангига ишлаш учун оддий қатор қилиб экилган ғўзаларни механизация асосида букетлаш орқали квадратлар ҳосил этишга йўл қўйилади. Агар хўжаликлар махсус сеялкалар блан таъминланган бўлса, ҳеч шубҳасиз улардан тўла ва увумли фойдаланиш керак.

Оддий қатор қилиб экилган экинларни механизмлар воситаси блан букетлаш усулининг жиддий камчиликлари бор. Масалан кўпинча баҳорда ёғингарчилик ва совуқ бўлади. Бундай вақтда қатор қилиб экилган чигитларни бир текис ва қалин ундириб олиш қийинчилик туғдиради. Бинобарин бу каби экинларда механизмлар воситаси блан букетлаш ишини ўтказиб бўлмайди. Мабодо механизация асосида букетлаш ўтказилган тақдирда ҳам экинлар жуда сийрак бўлиб қолади ва юқори ҳосил олишни таъмин этмайди. Ўлчов симли махсус сеялкалардан фойдаланиб чигит экилганда эса, экинларни механизмлар воситаси блан бемалол узунасига ва кўндалангига ишлаш учун экиш вақтидаёқ мустаҳкам асос яратиб қўйилади. Квадрат-уялаб экилган чигитлар ҳаммавақт, ҳатто об-ҳаво шароити ноқулай бўлган ҳолларда ҳам бир текис униб чиқади, чунки уяларга ташланган чигит оддий қаторларга экилган чигитларга қараганда қатқалоқни осонлик блан ёриб чиқади.

Бундан ташқари оддий қатор қилиб экилганда уялаб экадиган сеялкалардан фойдаланиб эккан вақтдагига нисбатан уруғлик кўп сарф бўлиб кетадики, бу ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Кейинчалик механизация асосида букетлаш учун чигитни оддий қатор қилиб экишнинг хўжалик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигини биргина шундан билиб олса бўладики, бу усул татбиқ этилганда чигит экиш нормаси 2—3 марта ортиб кетади. Ҳолбуки, бу уруғлардан кўп миқдорда ёғ, кун-

жара ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкин. Шунинг учун уялаб экадиган сеялкалар мавжуд бўлгани ҳолда чигитни оддий қатор қилиб экишни тўғридан-тўғри исрофгарчилик деб аташдан бўлак ном йўқ.

Шунга кўра ўлчов сими ёрдами билан квадрат-уялаб чигит экадиган махсус сеялкаларни яхши ўрганиб олиб, уни қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришига кенг жорий қилиш ҳамда ҳарбир уяга кўпи билан 10 та ва камида 4 та уруғ ташлаб кетишни таъминлаш керак.

Республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг ишлабчиқариш тажрибаларидан бизга шу нарса маълумки, ўлчов сими ёрдами билан квадрат-уялаб чигит экиш ишига жиддий муносабатда бўлган тақдирда яхши натижаларни қўлга киритиш мумкин. Масалан, „Совой“ совхозида 820 гектар ерга ўлчов сими ёрдами билан 60 × 45 сантиметрли схема бўйича чигит экилиб, майсалар униб чиққач, қатор ораларини 2,8 марта кўндалангига ишланди. „Боёвут № 1“ совхозида эса экинларни 2,5 марта кўндалангига ишланди ва бу далалардан юқори ҳосил олинди.

Бу йил квадратларнинг аниқ бўлишини ошириш учун ўлчов сими ёрдами билан чигит экиш техникасига зарур ўзгартишлар киритилди ва шундай қилиб, бу техникани такомиллаштирилди.


Чигит экишнинг янги усулида контроль чизиқни дала ўртасидан кўчирилиб, даланинг чигит экиш бошланган четига ўрнатилади, бу эса ўтган йилда ажратиб қўйилган экиш чизиғининг ўрнини билдиради. Мана шу чизиққа лебедка ўрнатмасдан, балки фиксатор ўрнатилади. Бунга қарама-қарши томондан барабанли лебедка ҳаракат қилади. Чигит экиш олдидан шайбани фиксатор ичига ўрнатиб қўйилади ва симни чигит экиладиган томонга тортилади. Тракторчи экиш агрегатини бошқаради ва ўлчов симининг йўналишидаги ноаниқликларни тўғрилайди ҳамда унинг қат'ий равишда тўғри чизиқли бўлишини таъмин этади.

Чигит экиш ишини мана шу усулда ўтказилса, кўндаланг қаторлардаги уяларнинг аниқ жойланиши, сеялкаларнинг унумли ишлаши таъминланади ва контроль чизиқ участкасининг ўртасида бўлган вақтда юз берадиган қийинчиликлар бартараф қилинади.

Шундай фактлар ҳам аниқландики, чигит экиб бориладиган томон билан контроль чизиқ орасидаги тўғри

бурчакни нотўғри ажратиш оқибатида квадратларнинг аниқлиги бузилиб қолди. Бу камчиликни бартараф қилиш учун тўғри бурчак тузишни эрта баҳорда чигит экиш ишлари бошланишига қадар асбоблар ёрдами билан ер тузучи техниклар иштирокида ўтказишга қарор қилинди. Шу мақсадда чигит экадиган агрегатнинг биринчи юриб ўтиш чизиғи ва контроль чизиқ орасидаги мосликни аниқлаб олинади. Агрегатнинг биринчи юриб ўтиш чизиғи участканинг чап томонида, сеялка энининг энг кўп туртиб чиқиб турган нуқтасидан бир ярим баравар масофада бўлади, контроль чизиқ эса участканинг кўндаланг чегарасидан 6—7 метр масофада бўлади.

Мана шу юқорида айтиб ўтилган чизиқлар тўғри бурчакли (90°) бўлиб чиқиши учун уларнинг бир-бирини кесиб ўтган нуқтасига теодолит ўрнатилади ва бунинг ёрдами билан тўғри бурчак ҳосил қилинади. Шундан кейин участканинг чегарасига, яъни ҳарқайси чизиқ охирига доимий белгилар, узун қозиқлар ўрнатилади (расм 7). Теодолит турган нуқтага эса қозиқ қоқиб қўйилади.



Расм 7. Тўғри бурчак ҳосил қилиш (схемаси).
АА — контроль чизиқ; ББ — агрегатнинг биринчи юриб ўтиши учун ўлчов симини тортиш чизиғи; В — тўғри бурчак; 1, 2, 3, 4 — доимий таъиниш белгилари.

Ўтган йили чигит экишни квадрат-уялаб экадиган сеялкалар билан ўтказган вақтда содир бўлган катта камчилик шундан иборат бўлдики, экиш нормаси ҳаддан ташқари ошириб юборилди. Бир уяга 10 та ва кўпи билан 15 та эмас, балки 25—30 та уруғ ташланди.

Бундай уяларда ўсимликлар дастлабки ривожланиш кунлариданоқ бир-бирини қисиб қўйди, ҳатто чигит униб чиқиши учун шароит ноқулай бўлиб қолди, чунки,

қисман уруғлар тупроққа тегмади. Майсалар униб чиққан вақтда уларнинг ўзаро бир-бирини қисиши кучайиб кетди, ўсимликлар ёруғликка томон чўзилавергани сабабли туплари заифлашиб қолди.

Бундан ташқари уялардаги ўсимликларни ростлаб чиқиш маҳалида уяда қолдириладиган ғўзалар шикастланди, албатта, чунки ортиқча ўсимликларни юлиб ташлаганда уяда қолдириладиган ўсимликлар илдизининг тупроқ блан боғланиши бузилади. Натижада бу ўсимликларнинг ривожланиши бирмунча вақтга қадар тўхтаб қолади. Шунингдек бир уядаги 25—30 та ўсимликни ростлаб чиқиш учун анча вақт талаб этиладиги, оқибатда меҳнат унуми пасайиб кетади.

Квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг афзалликларидан тўла фойдаланиш учун, бу сеялкаларни шундай тартибга солиш зарурки, натижада бир уяга кўпи блан 10 та ва камида 4 та уруғ экиладиган бўлсин.

Экиш агрегатларининг яхши ишлаши ва энг муҳими—квадратларнинг аниқ бўлиши шу иш блан шуғуллануши кишиларнинг қай даражада тайёргарлик кўрганига ва маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун бу масалага катта аҳамият бериш талаб этилади.

Трактор бригадаси блан далачилик бригадасининг ишини тўғри уюштириш ва бир-бирига боғлаб олиб бориш учун зарур шароит яратиб бериш, сансалорликни тугатиш ва ўсимликларни тўла сақлаб қолиш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан механизаторларнинг мас'улиятини кучайтириш мақсадида ҳарбир далачилик бригадасида ўсимликларни бир хил схема бўйича жойлаштириш тавсия этилади. Бу ишни ўтказишда пахта экиладиган майдонларни шундай ҳисобга олиш керакки, экинларни узунасига ва кўндалангига ишлашнинг умумий ҳажми далачилик бригадасига 1—2 та „Универсал“ тракторини бириктириб қўйишга имкон берадиган бўлсин.

Агротехниканинг энг муҳим усуллари

Чигитни квадрат-уялаб экиш ҳамда ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлаш усуллариини ўзлаштириб олгач, агротехниканинг ғоят муҳим ва ҳал қилуши аҳамиятга эга бўлган тадбирларини пухта, изчиллик блан амалга ошириш талаб этилади, буни унутиш ярамайди.

Ўсимликларни жойлаштириш ва парвариш қилишнинг янги усули барча агротехника тадбирларини тўғри ва ўз вақтида амалга оширган тақдирдагина яхши натижалар беради ва пахтадан юқори ҳосил олишни таъминлайди. Агар тупроқни ишлаш, суғориш режими, ўсимликларни озиқлантириш қондалари бузилса, шунингдек бу ва бошқа кўпгина тадбирларни ўзаро бир-бирига боғламасдан ўтказилса, у ҳолда кутилган ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлаш билан хотиржамланиб, агротехниканинг бошқа асосий масалаларини унутиб қўйилган жойларда катта хатоликларга йўл қўйилди ва кутилган мўл ҳосил олинмади.

Ғўзани ўстиришга доир барча тадбирлар системасини бажаришга бепарволик билан қараш ва бунинг натижасида 1955 йил пахта тайёрлаш планини бажармаслик ҳолларини Чуст район колхозлари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу районда чигит экилган майдон 11,4 минг гектардан иборат бўлиб, ғўзаларни узунасига ишлашдан ташқари, биринчи марта 7,6 минг гектар, иккинчи марта 6,2 минг гектар ва учинчи марта 4,8 минг гектар майдонда кўндалангига ишланди. Бундай қараганда, экинларни шу каби ишлаш билан меҳнат сарфларининг кескин суратда қисқартириб, юқори ҳосил олиш учун барча шароит яратиб қўйилгандек кўринади.

Аммо ҳақиқатда бундай бўлиб чиқмади, чунки ғўзаларни узунасига ва кўндалангига ишлашдан олдинги даврда агротехника тадбирлари жуда ёмон ўтказилган эди. Масалан, 1955 йил ҳосили учун ерни шудгор қилинмади. Кўкламги ҳайдаш вақтида ҳайдаш, бороналаш ва бошқа ишлар орасида катта узилишга йўл қўйилди ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси тупроқни палахса ҳолатига келтириб қўйди, ундаги намининг йўқолишига сабаб бўлди. Шунга кўра экишдан кейин чигит суви бериш талаб этилди. Чигит суви беришни эса кечиктириб юборилди ва натижада чигит май ойининг охирларида ундириб олинди. Шундай қилиб, барча далаларда ғўза майсалари жуда сийрак бўлиб қолди. Экинларни ишлаш вақтида культивация суғоришга боғлаб ўтказилмади. Ғўзаларни бостириб суғорилди. Агротехника муддатлари ўтиб кетгандан кейин 6 минг гектар ердаги ғўзалар минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Район-

даги колхозларда меҳнатни уюштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари қўпол равишда бузилди.

Ҳосил элементларини тўплаш фазаси секинлик билан борди. Райондаги Сталин номли, Фрунзе номли энг йирик колхозларда август ойининг охирига келиб ўрта ҳисоб билан бир тупда 2,5—3,5 донадан кўсак пайдо бўлди, айрим майдонларда эса ўша муддатгача ғўзалар ҳосилга кирмади.

Табиийки, иш шу тариқа уюштирилганда ғўзаларни биргина узунасига ва кўндалангига ишлаш билан қутилган натижани қўлга киритиб бўлмайди. Шундай қилиб райондаги колхозлар 1955 йилда 1951—1953 йилларга нисбатан ўрта ҳисобда гектарига 4—5 центнер кам ҳосил олдилар.

Шунинг учун янги прогрессив агротехника тадбирларини жорий қилиш билан бирга ҳозирги замон агротехникасининг асосини ташкил этган муҳим усулларни ҳам ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга эришиш керак.

Энг муҳим тадбирлардан бири тупроқни экишга тайёрлашдир. Бунинг асосий звеноси — кузги шудгордир. Кузги шудгор қилинган далаларга экилган экинлар ҳосили кўкламда ҳайдалган далаларга экилган экинлар ҳосилига нисбатан 15—20 процент кўп бўлади. Кузги шудгорнинг афзалликлари шундан иборатки, ер музлаши ва эриши натижасида тупроқ майда кесак ҳолатига айланади ва шу билан тупроқнинг физик хусусияти яхшиланади. Кузда ҳайдаб қўйилган далалар тупроғи баҳорда тез уваланиб кетади, яхши қизийди, суғормасдан чигитни ернинг ўз намига текис ундириб олиш имконияти бўлади. Экин экиш олдида ерни тўғри ишлаш орқали тупроқнинг маъна шу яхши хусусиятларини сақлаб қолиш зарур. Ерни тўғри ишлаш, қонда тариқасида, бороналашдан, енгилгина мола босишдан, бегона ўтлар кучли усиб кетган ва тупроғи жуда зичлашиб қолган ерларда эса — чизеллаш ёки культивациялашдан иборат бўлиши керак. Кузги шудгор барча кўклам экиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказишга имкон беради. Кузги-қишқи даврда шўрлашган ерларни ювиш ишини тамомлаб қўйиш зарур. Ёгингарчилик кам бўладиган районларда ерларни запас сугориш лозим,

Экиш муддатларини тўғри танлаш — юқори ҳосил олишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Температура шароитларидан тўла фойдаланган ва илғор агротехникани кенг жорий этган вақтдагина кўсақларнинг эрта етилишига ва мўл ҳосил олишга эришиш мумкин.

Иссиқлик факторига асосланиш билан бирга чигитни бир текис, соғлом ва эрта муддатларда ундириб олиш мақсадида энг қулай муддатни танлаш учун кўкларнинг хусусиятларини назарда тутиш зарур. Бунда асосий эътибор экишни расмийтичилик билан тугаллашга эмас, балки чигитни яхши ундириб олишга қаратилиши керак. Шунинг учун экиш муддатини белгилаганда ҳарқайси колхознинг конкрет шароитида тўпланган кўпийиллик тажрибаларга асосланиш лозим. Бунда вақтдан шундай тўғри фойдаланиш керакки, натижада қисқа муддатда ўтказилган экиш иши энг яхши натижа беришига тўла ишониш мумкин бўлсин. Экиш муддатларини табақалаштириш керак. Енгил тупроқли ва яхши қизийдиган ерларда экиш ишларини эрта бошлаш тавсия этилади, оғир ва нам тупроқли ерларда — кечроқ ўтказилади. Ҳатто бир бригаданинг ўзида ҳархил участкалар учун турли экиш муддатлари белгиланиши мумкин. Экинларни бир текис ундириб олишнинг энг муҳим шартларидан яна бири тупроқни экишга юқори сифатли тайёрлашдан иборат. Экишга тайёрлаб қўйилган далаларнинг тупроғи майда кесакли, донатор ҳамда чигитнинг тез униб чиқиши ва дастлабки даврда ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун етарли миқдорда нам сақлаган бўлиши керак. Далалар бегона ўтлардан тозаланган бўлиш лозим.

Майсаларнинг ёппасига униб чиқиши — экиш ишларининг ҳартомонлама муваффақиятли ўтказилганидан далолат берадиган объектив кўрсаткич ҳисобланади. Республиканинг турли об-ҳаво шароитларига қараб чигитлар қуйидаги муддатларда униб чиқиши керак:

— Сурхондар'ё областида — 15—20 апрельда;

Бухоро областида ва Наманган область районларида — 25 апрельда;

Андижон, Фарғона ва Қашқадар'ё областларида — 28 апрельда;

Фарғона водисининг тоғолди районларида, Тошкент, Самарқанд, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРнинг жанубий районларида — 1 майда;

Қорақалпоғистон АССРнинг шимолий районларида — май ойининг бошларида.

Экиш ишлари тамом бўлган ҳамон чигитни бир текис ундириб олиш, экин ўстириш учун ҳарбир гектар ердан тўла фойдаланиш учун курашиш керак, чунки бу ишлар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун экиш орқасиданоқ ҳарқайси далачилик бригадасида, звеноларда чигитнинг тупроқдаги аҳволини ва униб чиқишини доимий равишда текшириб туриш ишларини уюштириш зарур. Агар чигитнинг барвақт униб чиқишига тўсқинлик қилган сабаблар аниқланса, буларни бартараф қилиш юзасидан дарҳол муҳим чоралар кўриш керак. Ҳарбир уяда зарур миқдордаги ўсимликларнинг бўлиши ва тупларнинг тўғри жойланиши юқори ҳосил олиш ишида энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Ўсимликларнинг туриш қалинлиги тупроқ ва бошқа шароитларга мувофиқ бўлган колхозларда ва далачилик бригадаларида экинларнинг сийракланишига йўл қўйилган хўжаликларга нисбатан ҳамавақт юқори ҳосил олиб келингани тўғрисида қатор мисоллар келтириб ўтирмасак ҳам бўлади. Чунки Бухоро, Самарқанд ва бошқа областларнинг бирқатор колхозларида пахтадан паст ҳосил олинishi далаларнинг кўпгина қисмида ўсимлик сийрак бўлиб қолиш натижасидир.

Агар бирор сабаб блан айрим уяларда ўсимликлар бўлмаса ёки кам бўлса, у ҳолда дарҳол қайта чигит экиш ёки қалин жойлардан олинган ўсимликларни, шунингдек махсус етиштирилган кўчатларни ўтқазиш зарур. Ўсимликларнинг туриш қалинлигини белгиланганда тупроқ унумдорлигини, ерости сувларининг қандай чуқурликда туришини, тупроқнинг шўрланган ёки шўрланмаганини, вегетация даврида сув блан таъмин этилишини ва бошқа шароитларни ҳисобга олмоқ лозим, чунки бу шароитлар ўсимликларнинг ривожланишига ва ҳосилга у ёки бу даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўсимликларни квадрат-уялаб жойлаштириш схемаларининг татбиқ этилишига қараб бир гектар ерда қуйидаги миқдорда ғўза туплари бўлиши тавсия этилади (44 бетдаги схемага қаралсин).

Экилган чигит уяларда туриши лозим бўлган ўсимликлар миқдорига нисбатан анча қалин униб чиқади, шу сабабли кўндалангига ўтказиладиган биринчи куль-

		С х е м а л а р				
		60×60	55×55	50×50	45×45	60×45
Ерости сувлари чуқур турган бўз-тупроқли ерлар ва шўр ерлар	Уядаги ўсимликлар сони	3—4	3	2—3	2—3	3
	Бир гектардаги ўсимлик қалинлиги (минг туп)	97	99	100	123	111
Ер ости сувлари чуқур бўлган юқори унумдорли, ўтлоқ, ўтлоқ-тўқай ерлар	Уядаги ўсимликлар сони	3	2—3	2	2	2—3
	Бир гектар ердаги ўсимлик қалинлиги (минг туп)	83	82	80	98	92
Қам қувват ерлар	Уядаги ўсимликлар сони	—	3—4	3	3	3
	Бир гектардаги ўсимлик қалинлиги (минг туп)	—	115	120	148	111

тивациядан кейин букетлар қўлда ростлаб чиқилади. Биринчи культивация ўтказиш блан ҳарқайси уянинг чегараси белгилаб олинади. Мана шу уялар ичида зарур миқдордаги ўсимликлар қолдирилиб, ортиқчаси юлиб ташланади.

Букетларни ростлаб чиқиш ишини мумкин қадар эрта муддатларда тамомлаш лозим. Ҳарбир уяда энг яхши ривожланган ўсимликларни қолдириш масаласига алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзанинг нормал ўсиши, ривожланиши ва кўп ҳосил туغيши учун уларни мунтазам равишда парвариш қилиш зарур. Экинларни парвариш қилиш — қатор ора-ларини ишлаш, суғориш, озиклантириш, зараркунанда-ларга қарши кураш ва бошқа усуллардан иборат. Ўзаларни ишлашнинг асосий вазифаси — далани ҳама-вақт бегона ўтлардан тоза ҳолатда ва тупроқни дон-дор юмшоқ ҳолатда сақлашдан иборат.

Экинларни кўндалангига ишлашни жорий қилиш муносабати блан кетмон чопиқ ўтказиш деярли бутун-лай қисқариб кетади. Айрим ҳоллардагина кетмон чо-пиқ ўтказиш кераклиги тўғрисида юқорида айтиб ўтилди.

Далаларни яхши ҳолатда сақлашга ўз вақтида икки томонлама культивация ўтказиш, уялардаги бегона ўтларни қўлда ўташ йўли блан эришмоқ зарур.

Экинларни узунасига ва кўндалангига ишлашни бир-бирига қат'ий боғлаб олиб бориш керак. Бу ишни фақат тупроқ етилган вақтда, культиваторларга мос келадиган иш органларини танлаб ўтказиш лозим. Узунасига культивация қилганда ҳам, кўндалангига культивация қилганда ҳам шу нарсага интилиш керакки, ишланадиган полоса мумкин қадар кенгроқ қамраб олинсин.

Экинларни яхши парвариш қилишнинг кўрсаткичи вегетация даврида ўтказилган культивациянинг миқдори блан эмас, балки ғўзаларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши блан аниқланади. Экинлар қанчалик яхши, сифатли, ўз вақтида ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда парвариш қилинса, бу парвариш эвазига шунчалик мўл ҳосил олинади.

Сув — ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун энг кучли фактор ҳисобланади. Пахтадан юқори ҳосил олишда сув ҳал қилучи роль ўйнайди. Суғориш режимини тартибга солиш блан ғўзаларнинг тўғри ўсиши ва ривожланишига, тупларининг пастки ва ўрта ярусларидаги энг қимматли кўсакларнинг сақланишига ва, бунинг натижасида, ҳосилнинг эрта муддатларда етилишини таъминлашга эришилади. Суғориш масаласига етарли аҳамият берилмаган ва ўсимликларнинг талабига мувофиқ сув бериш қоидалари бузилган жойларда ҳосилга катта зарар етказиладики, кейинчалик бу зарарнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Тор қатор ораларида квадрат-уялаб ғўза ўстириш усулига ўтиш муносабати блан суғориш режимининг аҳамияти янада ортади, чунки пахта далаларининг тупроқ, об-ҳаво шаронти бироз ўзгаради.

1955 йил май ойида ғўзани суғориш масалалари юзасидан бўлиб ўтган республика кенгаши катта камчиликларни очиб ташлади. Кўпинча суғориш ишларини ғўза экинларининг аҳволини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказиб келинди. Суғориш муддатларини белгилашда асосан ўсимликлар ёш вақтида кучли бўлиб ўсиши учун ҳаракат қилинди. Бу эса ғўзаларнинг ғовлаб кетишига сабаб бўлди. Туплар кучли ўсгани блан, улардаги кўсаклар оз бўлди ва бунинг устига кеч пишди.

Кенгашда суғориш режимини тартибга солиш юзасидан фойдали кўрсатмалар берилди. Бу кўрсатмалар тўғри амалга оширилса, ғўза тупларининг ер устидаги қисмлари му’тадил ўсиб, илдиз системаси яхши ривожланади ва бинобарин кўсаклар мўл тўпланади. Суғориш режимининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

бир томонлама, я’ни ғўзаларнинг ғовлаб ўсишини секинлатиш учун уларни гуллашига қадар му’тадил суғорилади, аммо нам етишмай ғўзанинг ўсишдан қолишига йўл қўймаслик керак;

ғўза гуллаш — мева тугиш даврида тез-тез суғориб турилади, чунки бу даврда суғоришни салгина бўлсада кечиктириб ўтказиш ҳосил элементларининг тўкилиб кетишига сабаб бўлади;

ҳосил етилабошлаган даврда кўсакларнинг нормал ривожланиши учун ғўзаларни етарли миқдорда сув блан та’минлаб туриш керак.

Мана шундай суғориш режимини қўлланган вақтда ўсимликларнинг аҳволи ва сувга бўлган ҳақиқий талабини ҳисобга олиб иш кўриш керак. Суғориш муддатлари ғўзаларнинг ташқи белгиларига қараб аниқланади.

Республиканинг кўпгина колхозлари тўғри суғориш режимини татбиқ этиб катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бунга мисол қилиб даставвал, Андижон областининг колхозларини кўрсатиш мумкин, чунки бу область ўтган йили ҳосилдорлик юзасидан биринчи ўринни эгаллади. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда бошқа илғор агротехника усуллари блан бир қаторда ғўзани суғориш режимини қат’ий тартибга солиш ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлди.

Олтинкўл районидаги Сталин номли, Москва районидаги Ленин номли, Фарғона районидаги Ворошилов номли, Бағдод районидаги „Қизил Ўзбекистон“, Уйчи районидаги Ворошилов номли ва бошқа районлардаги кўпгина колхозларда ғўзаларни суғориш ўсимликларнинг аҳволи ва сувга бўлган ҳақиқий талабини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди. Шу туфайли бундай далалардан мўл ҳосил йиғиштириб олинди.

Ўсимликлар квадрат-уялаб жойлаштирилган далаларда суғориш ишлари уюштирилганда, аввал узунасига, унинг орқасидан кўндалангига культивация қилиш кўзда тутилиши керак.

Бу культивациялар орасидаги муддат жуда қисқа бўлиши керак. Шунинг учун суғориш ишлари бир вақтда ўтказиладиган далалар экинларга битта трактор блан 3—4 кун ичида икки томонлама ишлаб улгурадиган кўламда бўлиши зарур. Яхлитлаштирилган катта участкаларда эса суғоришни даланинг бутун узунаси бўйлаб, бирнеча навбат блан ўтказиш лозим.

Суғориш ишларини механизациялаш учун сун'ий ёмғир ёғдирадиган установкалардан кенг фойдаланиш зарур (расм 8).

Юқори ҳосил олишнинг муҳим шартларидан яна бири ўсимликларни тўғри озиқлантиришдан иборатдир. Ёўзани ҳамавақт азот, фосфор, калий ўғитлари блан бир ме'ёрда озиқлантириб туриш керак. Аммо бу ишни ўсимликнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш зарур.

Колхоз ва совхозларда қабул қилинган ва текшириб кўрилган системага мувофиқ фосфорли ўғитларни асосан экин экишга қадар бўлган даврда, азотли ўғитларни эса экинларни озиқлантириш маҳалида солинади.

Ўғит солиш нормалари тупроқнинг ҳолати ва татбиқ этилган агротехникани ҳисобга олган ҳолда колхоз, бригада ва звено томонидан олиниши мўлжалланган ҳосилга қараб табақалаштирилиши лозим.

Ёўза ўсиб ва ривожланиб борган сари унинг озуқа моддаларга бўлган талаби ортиб боради. Дастлабки даврда ўсимликлар ўғитларни кам талаб қилишига қарамадан, фосфорли озуқаларни кўпроқ талаб этади, шоналаш даврида азотли озуқаларни кўп талаб қилинади, гуллаш даврида эса озуқаларнинг ҳамма элементларига бўлган талаб кучаяди.

* * *

Агротехниканинг юқорида айтиб ўтилган ва шунингдек бошқа кўпгина усулларини далада содир бўладиган конкрет вазиятларни ҳисобга олмасдан туриб юзакни равишда татбиқ этиш мутлақо ярамайди. Чунки, бир шароитда яхши натижа берадиган усул бошқа шароитда фақат фойдасизгина бўлиб қолмасдан, балки зарарли бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Шунинг учун ёўзани парвариш қилиш юзасидан ўтказиладиган барча тадбирларни ижодий равишда, ўсим-



Рис. 8. Сун'ий ёмбир, ёгдириш установкиси иш устида.

ликларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак бўлади.

Агар чигит энг яхши муддатларда экилиб, далаларда экинларни парвариш қилишга доир агротехника тадбирлари тўғри ўтказилса, ғўзаларнинг асосий ривожланиш фазалари тахминан қуйидаги муддатларда бошланади:

майсаларнинг униб чиқиши	— апрель охирида, май ойи бошида
шоналаш	— май охирида, июнь бошида
гуллаш	— июнь ойининг иккинчи ярмида
пахтанинг очилабошлаши	— август охирида.

Вўза тўғрисида асосий справка ма'лумотлари

(Ўзбекистонда экиладиган сортлар учун ўртача тахминий кўрсаткичлар)

1. Вегетация даврининг давом этиши—115—150 кун.
2. Фазалар орасидаги даврлар:

экиш — униб чиқиш	10—15 кун
униб чиқиш — шоналаш	30—40 кун
шоналаш — гуллаш	25—30 кун
гуллаш — пахта очилиш	50—60 кун
3. Униб чиққандан кейин биринчи чинбарг пайдо бўлиши 9—10 кун
4. Биринчидан кейин иккинчи барг пайдо бўлиши 5—6 кун
5. Навбатдаги баргларининг пайдо бўлиши ҳар 2—3 кунда
6. Тупнинг бўйи (баландлиги) 90—100 см
7. Мевасиз шохлар миқдори 1—3
8. Мевали шохлар миқдори 18 ва ундан ортиқ
9. Биринчи мева шохи ўсиб чиққан жойнинг баландлиги 5—8 бўғинда
10. Иккита туташ мева шохининг пайдо бўлиши орасидаги вақт 2—3 кун
11. Сортига қараб биринчи гулнинг пайдо бўлиши 9—11 та мева шохи бўлганда

12. Гуллар пайдо бўлиши орасидаги вақт:
тупнинг юқорисига қараб (қисқа нав-
батли) 2— 3 кун
шоҳнинг узунасига қараб (узун нав-
батли) 5— 7 кун
 13. Битта кўсакнинг ҳажми (диаметр) . . . 4— 5 см
 14. Кўсак палласининг сони 3— 5
 15. Битта кўсак ичидаги чигитлар миқдори 35—50 дона
 16. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5— 7 гр
 17. Тола чиқиши 35—40%
 18. Толанинг узунлиги 32—40 мм
 19. Битта чигитдаги тола миқдори . . . 7—15 минг
 20. Чигит таркибидаги ёғ 20% гача
 21. Бир туп ғўзанинг барг сатҳи . . . 0,3—0,4
квadrat метр.
-

МУНДАРИЖА

	Бет
Пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	3
Экинларни парвариш қилиш усуллари тақомиллаштириш	9
Квадрат-уялаб экиш усулини ўзлаштириш	13
Иқтисодий жиҳатдан фойда келтириш асосий афзалликдир.	19
Ҳосилдорликни ошириш	25
Навбатдаги вазифалар	29
Агротехниканинг энг муҳим усуллари	39
Ўза тўғрисида асосий справка маълумотлари	49

На узбекском языке

Г. К. РЖЕВСКИЙ

ГҲҲҲҲҲ В ХЛОПКОВОДСТВЕ

(Из опыта применения продольно-поперечных обработок)

Объединенное издательство
„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
и „Ўзбекистон Сурх“
Ташкент—1956

Таржимон К. Пўлатов Редактор Ҳ. Ну'монов
Техн. редакторлар А. Назаров ва Н. Копиткова.
Корректор С. Маннопов

Теринга берилди 18/IV 1956 й. Босинга рухсат этилди 7/V 1956 й.
Қогоз формати $84 \times 108^{1/32}$. Физ. листи 1,62. Шартли босма листи
2,66. Нашриёт ҳисоб листи 2,62. Тиражи 40000. Р²5484. Нашр.
№ 165. Заказ № 570. Баҳоси 60 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистон Сурх“
бирлашган нашриёти ва босмаҳонаси. Тошкент, „Правда Востока“
кўчаси, уй № 34.